SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 21-AVGUST ■ PAYSHANBA ■ 97-98 (27.118) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ *1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.*

Ватан ҳимояси — олий шараф

ҚАНОТЛИ ҚАЛҚОНЛАРИМИЗ

Эгниларидаги ҳарбий кийимлари ўзларига ярашган, қоматлари адл, боқишлари ўктам мана бу йигитларга диққат билан боқинг... Улар ўз билим ва кучларига ишонишади. Халқимиз ҳам уларга ишонади, ана шундай марду-майдон фарзандларимиз борлигидан фахрланади, ғурурланади.

Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юрти мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун ҳарбий учувчилар ва авиация мухандислари тайёрлаб берадиган ягона олий ўқув юртидир. У Президентимиз ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 июндаги қарорига мувофиқ ташкил этилган. Айни пайтда бу ерда ҳарбий самолётлар учувчи-муҳандислари, жанговар вертолётлар учувчи-муҳандислари, авиация радиожиҳозлари мутахассислари, авиация жиҳозлари муҳандислари бўлинмалари мавжуд бўлиб, уларда махсус олий ҳарбий маълумотга эга бўладиган бўлғуси офицерлар таҳсил олаяпти. Шунингдек, билим юртида Ҳарбий Ҳаво Кучларининг учувчи ва авиация муҳандислари таркибини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ҳарбий илмий иш билан шуғулланиш ҳам йўлга қўйилган.

Подполковник Абдуғани ҲАМИДОВ — билим юрти бошлиғининг ўринбосари:

— Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки кунларданоқ миллий армияни ташкил этиш масаласи кун тартибига қўйилди. Мудофаа Доктринаси ишлаб чиқилди. Бугун Қуролли Кучларимизда босқичма-босқич ўтказилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Юртимизда миллий қадриятларимиз ва аждодларимизнинг жанговар анъаналарига, шу билан бирга, замонавий талаблар ва андозаларга мос келадиган, ҳар қандай жанговар вазифани ҳал этишга қодир, ихчам, профессионал армия шакллланаяпти. У мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати, халқимизнинг ишончли таянчи, фахри ва ифтихорига айланмоқда. Буни билим юртимизда бугун қилинаётган ишлар, бўлғуси офицерларни тайёрлаш жараёнларидаги янгиликлар, ижобий ўзгаришлардан ҳам билса бўлади.

Шу пайтгача билим юртимизда ўқиш муддати тўрт йил эди. Жорий йилдан эътиборан Қуролли Кучларимиз учун юқори малакали, ахлоқан етук, жисмонан бақувват, руҳан тетик мутахассислар етказиб бериш мақсадида ўқиш муддати бир йилга узайтирилди. Улар замонавий, мутлақо янги техника ва ҳарбий ускуналар, қурол-яроғлар, ўқув қўлланмалари билан таъминланган. Биламизки, ҳар қандай вазиятда машаққатли синовларни енгиб ўтиш, таъбир жоиз бўлса, тегирмондан бутун чиқиш ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликни, балки юксак ақл-идрокни, алоҳида руҳий-маънавий хусусиятларга эга бўлишни, энг янги қурол-аслаҳаларнинг сир-асрорларини пухта билишни ҳам талаб қилади. Бу эса шубҳасиз, аскар ва офицерлардаги мустаҳкам ирода, фидойилик, жасурлик, Ватанга муҳаббат ва садоқатга кўп жиҳатдан боғлиқ. Биз курсантларимизда худди шу хислатларнинг қарор топишига ва мустаҳкамланишига алоҳида аҳамият бераяпмиз. Бунинг учун билим юртимизда ҳамма шарт-шароитлар бор. Соғлом маънавий муҳитни яратишга, таълим-тарбия ишларини янгича услублар асосида ташкил этишга ҳаракат қилаяпмиз. Полковник Қадам Вафоев бошчилигидаги шахсий таркиб бу ишларнинг уддасидан чиқаяптики, билим юртимизни тамомлаган юзлаб ёш офицерлар бугун ҳарбий бўлинмаларда хизматни кўнгилдагидек ўтамоқдалар, она-Ватаннинг қанотли қалқонлари, деган номни шарафламоқдалар.

Курсант Ботир СУЮНОВ — Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидан:

— Болаликдан учувчи бўлгим келарди. Мақсадимга эришиш учун сафдошларим қаторида ҳарбий иш, мураккаб жанговар техникани қунт билан ўрганаяпман. Бу ердаги шарт-шароитлардан хурсандмиз. Ётоқхонамиз шинам, озода, ёруғ. Ошхонага, спорт майдонига гап йўқ. Биздан талаб қилинадигани битта: жанговар тайёргарликни ошириш, ҳарбий техникани пухта ўзлаштириш. Фурсатдан фойдаланиб, Амударё тумани марказий шифохонасида врач бўлиб ишлаётган онам Ўрозгул Оразметовага, отам ҳосилот Карим Султоновларга саломимни газетангиз орқали етказишингизни сўрайман.

Курсант Миркамол ТОЖИБОЕВ — Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан:

— Ҳарбий кийим кийишни, айниқса, учувчи бўлишни орзуламаган ўғил бола бўлмаса керак. Мен ҳам Жартепа деган қишлоғимиз устидан учиб ўтаётган самолётларни кўрганимда «Қанийди, шундай самолётларни бошқарсам...» деб ҳавас қилардим. Сўнг ҳарбийга кетдим ва бу ерга ўқишга келдим. Ҳозир штурманлар тайёрлаш бўлинмасининг учинчи курсида ўқияпман. Катта офицер-устозларимиздан бу касбнинг ўзига хос томонларини ўрганаяпман. Тўғриси, интизом, талаб қаттиқ. Баъзан хаёл суришгаям қўйишмайди (кулади). Қайсидир саркарда айтганидай: машқда қийин кечса, кейин осон бўлади, деб юрибмиз-да, ака. Отам мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдилар, онам эса уй бекаси. Фарзандларининг тўнғичиман. Ота-онамга, Ватанимга муносиб фарзанд бўлсам, уларни балоқазолардан, хавф-хатарлардан, ҳар қандай ташқи хуружлардан ҳимоя қилсам, корига ярасам, дейман.

Курсант Муртоза ХУДОЙБЕРДИЕВ — Қашқадарё вилояти Китоб туманидан:

— Мактабдан тўғри бу ерга ўқишга келдим. Отам Шўртангазда ишлайди, онам уйда. Ҳарбий касбни бекорга танламаганман. Бу ишнинг осон эмаслигиниям биламан. Йигит кишига хос ва мос касб бу. Қийинчиликлардан чўчисак, машаққатлар олдида бўйин эгсак йигит эканлигимиз қаёқда қолади, тоға? Ахир, Ватанни, халқ тинчлигини, болаларнинг қувноқ кулгиларию ота-оналаримизнинг осойишта ҳаётларини ҳимоя қилиш, кўз қорачиғидай асрабавайлаш биз — йигитларнинг бурчимиз эмасми? Шундай касбни танлаганимдан ғурурланаман.

2-бет

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида

Тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш принципига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра тадбиркорлик фаолияти субъектларини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказишда:

биринчидан, розилик берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилиши;

иккинчидан, барча келишиб олиш тартиботлари тадбиркорлик субъектларини амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда рўйхатдан ўтказадиган фақат битта ташкилот доирасида амалга оширилиши таъминланади.

2. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) ташкил этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

2003 йил 1 октябргача Инспекцияларни шакллантиришни тугалласинлар ва улар учун зарур шароитлар яратилишини таъминласинлар;

Инспекциялар самарали фаолият кўрсатиши, рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда бюрократия ва сансалорлик ҳолларининг олдини олиш чора-тадбирларини кўрсинлар.

3. Қуйидагилар янги ташкил этилаётган Инспекцияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мўлжалланётган ариза берувчининг ҳужжатларини ҳамда бунинг учун зарур бўлган асосларни қабул қилиш ва экспертизадан ўтказиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида муҳандислик коммуникацияларига (газ билан таъминлаш, энергия билан таъминлаш, сув билан таъминлаш, канализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси тармоқлари) уланиш, тураржойларни нотурар-жой тоифасига ўтказиш, объектларни қуриш ва реконструкция қилишга техник шартларни белгиланган тартибда расмийлаштириш учун, шунингдек муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома олиш учун уларнинг ваколатлари доирасида мажбурий тартибда келишиладиган ва рухсат олинадиган тегишли ташкилотларни аниқлаш;

юқорида кўрсатилган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришни ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, реестрни юритиш, шунингдек уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш;

ариза берувчига барча рухсат берувчи ҳужжатлар билан унинг тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш.

4. Белгилаб қўйилсинки, ариза берилган санадан бошда тадбиркорлик субъектини рухсат берувчи ҳужжатларни берган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишгача бўлган муддат техник шартлар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришнинг мураккаблигини ва ҳажмини ҳисобга олиб 7 иш кунидан бир ойгача белгиланади.

5. Қуйидагилар:

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом;

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларининг намунавий тузилмаси тасдиқлансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий органлари билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун объектлар қурилиши учун ер участкаларининг, тадбиркорлар талабини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда ким ошди савдоларига қўйишни амалиётда қўлласинлар.

(Давоми 2-бетда.)

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Қўмита аъзолари Олий Мажлиснинг бўлажак ўн иккинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган масалалар хусусида фикрлашгач, янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида қўмита раиси А.Саидов ахборот берди.

Шунингдек, умумхалқ муҳокамасидан ўтказилган «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тайёрланган таклифлар хусусидаги ахборотлар тингланди.

Мажлисда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Қорақалпоғистон Республикасида қандай амалга оширилаётганига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Йиғилиш сўнггида нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликнинг янада самарали ишлаши учун жойларда қатор ташкилий-ҳуқуқий ишларни бажариш, тегишли қонунлар тарғиботини кучайтириш бўйича муайян чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Саида САЙХУН

Миллат ва тарих

ЎТГАН АСР ЭСДАЛИКЛАРИ

Аэропортга яқинлашганда йўл иккига айрилади: темирйўл ёқалаб юрилса аэропортга, чапга бурилса «Сариқ кўл» маҳалласига борилади. Маҳалла оғзида трамвай айланаси бор. Унинг ўрнида бир маҳаллар колхоз омбори бўлган. Аҳли маҳалла жойлашган ерлардаги ҳосил кун бўйи омборга ташилар, эрталаб Миробод бозоридаги дўконларга жўнатиларди.

Замона зайли билан отам бир муддат омборчи бўлди ва мени «боқишасан» деб ўзи билан олиб кета бошлади. Юмушларим ўзимга яраша эди: омборхонанинг қўқон арава зўрбазўр айланадиган ҳовлисини супуриб-сидираман, ҳар жойда сочилиб ётган бўш яшикларни яроқли-яроқсизга ажратиб тахлайман. Яроқсизларини отам вақт топиб таъмирлаб қўяди. Пешинга бориб иш камаяди. Аравалар товсилади. Отам рандаланмаган қўпол тахталардан деворга тақаб солинган эни камбар, бўйи ҳовлининг бир томонини эгаллаган сўрининг чеккасига чўзилади, ғармдори гуллари ёғ босган эски дўппини тўрт буклаб бошига қўяди-да, мизғиб олади, бўлмаса иш қизиганда каловлаб қолади. Мен омборга кўз-қулоқ бўламан... Йиғилган ҳужжатларни отам банди узуқ олатароқ чарм жилдга жойлайди. Мен уни маҳкам қўлтиқлаб идоранинг бош ҳисобчисига ташлаб кетаман. Идора узоқ эмас. Чорраҳадан Қорасувнинг офтобда мавжланиб оқиши айқаш-чайқаш қалқиган муз парчаларга ўхшаб кўринади. Сув ёқалаб борилса эски тегирмон ёни билан гузарга чиқилади. Қўшчинор остидаги катта чойхона кун бўйи бўш, чойхўр кўринмайди. Аҳёнда қўлансадкадек қалқиб ўтган йўловчи, ё адашиб гузарга чиққан одам йўл устида бир пиёла чой ичгани муттасил тиш оғриғига йўлиққандай лунжлари осилиб юрадиган девқомат Убайдулло фирқадан чўчийди. Ўзи эса омборхонанинг кичкина чойхонасини афзал кўриб пешинда икки ғилдиракли файтон аравада тушликка келади. Унинг хордиқ чиқарадиган, баъзан райком вакили — кўзлари чақчайган ошнаси билан кўнгил очадиган макони — шу чойхонаю омборхона ёнидаги пастак деразасига сурп парда тортилган ним қоронғи бостирма эди. Омборхонага қанча сув сепмай от-араванинг кети узилмагандан кейин салда яна ҳаммаёқнинг тупроғи ўрлаб кетади. «Фирқа амакингиз сўрида ўтирганларида ариқдан сув олманг, — деб қайта-қайта тайинлайди чойхоначи, — сув лойқаламасин, таъблари нозик». Кун қизиқда ҳовлига сув сепиш-сепмаслигим фирқа амакининг кайфиятига боғлиқ. Тушликдан кейин кайфияти яхши бўлса чойхоначи билан қарта ташлашади, ёнбошлаб беш-олти қулоч наридаги шохлари тарвақайлаган толнинг танасига садаф сопли пичоғини ирғита бошлайди, бунинг шунақа машқини олганки, ҳар гал пичоқ мўлжалга бехато тегади. Чойхоначи қийқириб, «мергансиз, фирқа ака, жумлаижаҳоннинг танҳо мерганисиз», — деганча пичоқни толдан суғуриб келади. Фирқа амаки кайфияти бўлмаган кунлари сўрида кўринмайди ҳисоб. Мен пақирни олиб ариққа югураман...

Бугун фирқа амакининг мудрови пастроққа ўхшайди. Чорраҳада кўринган чолга эътибор ҳам бермай сим кароватга бирпас ўзини ташлаб олгани бостирмага кириб кетди. Чол қорнини чангаллаганча қора терга ботиб келди-да, белбоғи қатидаги шишани авайлаб чиқариб чойхоначига тутди.

2-3-бетлар

ДАСТУР ДОИРАСИДАГИ СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судида Юртбошимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган устувор вазифалар ва қоидаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар Дастури доирасида «Суд-ҳуқуқ ислоҳоти ва прокурор назоратини такомиллаштириш муаммолари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси Б.Мустафоев бошқарган ушбу семинарда мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳоти ва давлат органлари тизимида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи орган — прокуратуранинг тутган ўрни ҳақида атрофлича фикр юритилди. Прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш, унинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар томонидан олиб борилаётган амалий ишлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини ўз вақтида хабардор қилишни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида таклифлар билдирилди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар

«БОФАНДА» МАҲСУЛОТЛАРИ

Спорт кийимларига эҳтиёж кундан-кунга ортмоқда. Самарқанднинг Сиёб туманидаги «Бофанда» ҳиссадорлик жамияти аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритмоқда.

Ҳозир бу ерда ўғил ва қиз болаларнинг 40 турдаги спорт кийимлари тикиляпти. Шу йилнинг олти ойида 255 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, корхона маҳсулотлари сифати, бежиримлиги, турли-туманлиги билан барчага манзур бўлмоқда.

Суратларда: корхонада тайёрланган маҳсулотлар



BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

рўйхатдан ўтказиш ва рухсат бериш ҳужжатларини расмийлаштиришнинг белгиланган тартибига сўзсиз риоя қилиниши устидан зарур назорат ўрнатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу қарор қоидаларини республикадаги барча тадбиркорлар кенг қатламларига етказиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

9. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш масалаларини тартибга солувчи идоравий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказсинлар.

10. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 22 августдаги 347-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 8-сон, 47-модда) 1-банди, 2-банднинг иккинчи-бешинчи хат бошилари, 3 ва 4-бандлари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 30 апрелдаги 197-сон қарорига 2-илованинг 12-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 34-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 20 август.

Замонамиз қаҳрамонлари

«ЛОЧИН»НИНГ ПАРВОЗИ

Деновлик фермер Аҳмад Нарзуллаев сўнгги уч-тўрт йил орасида ўз ҳисобидан 320 ўринли мактаб, замонавий қишлоқ врачлик пункти, бир нечта оддий спорт майдончаларини қуриб берган эди.

Деновликлар Аҳмад фермер номини тез-тез тилга олишади, у ҳақда фахр билан миннатдор бўлиб гапиришади. Бу бежиз эмас, албатта. Туманнинг, қолаверса, бутун вилоятнинг фахрига айланиб бораётган «Лочин» фермер хўжалиги раиси Аҳмаджон Нарзуллаев кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. У ҳамма қатори оддий бир одам эди. Мустақиллик Аҳмад Нарзуллаевни «Аҳмад фермер»га айлантирди.

Аҳмад 1979 йили Тошкент политехника институтини битириб, ғишт заводига ишга кирди. Заводда 400 нафарга яқин одам меҳнат қиларди. 1991 йил Мустақилликка эндигина эришилган пайтлар, уни завод директорлигига тайинламоқчи бўлдилар. Аммо Аҳмаджон рози бўлмади. Ўшанда у касбдошларини ҳайратга солган бир гапни айтди: — Қишлоққа кетаман, фермер хўжалигини очаман.

— Ўша 1991 йили туманимизда битта фермер бор экан, — дея эслайди у. — Президентимизнинг фермерлик ҳақидаги гапларини телевизордан эшитиб ўтириб, хаёлимга кўп гаплар келди. Тўғриси, шунча йил ишлаб на тузукроқ уй-жойим, на автомашинам борлигини ўйлаб, бироз алам ҳам қилди. — Қани фермер бўлиб кўрайчи, деб орзу қилдим.

Унинг қарорини яқинлари қўллаб-қувватламади. Ҳатто узоқ йиллар ҳайдовчилик қилган отаси ҳам: «Ўғлим, нима қиласан ўзингни қийнаб, ишинг бўлса, маошинг бўлса, юравер-да», деган эди.

Лекин туман раҳбарлари уни қўллашди, фермерлик қилиши учун унга ер ажратиб беришди.

Катта орзу ва эзгу ниятлар билан Аҳмад Нарзуллаев ўзи яшаб турган Амир Темур номли ширкат хўжалигининг «Хитой» маҳалласида фермер хўжалиги ташкил этди. Фермер хўжалигига «Лочин» деб ном қўйилди.

Хўжаликка аъзо бўлиб кирувчиларнинг сони тез орада саксон нафарга етди. Агар дилда иштиёқ жўш урса, албатта қийинчиликларни енгиб, ниятга эришаркан киши. Аҳмад фермер 56 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, буғдойни гектар бошига 110 центнердан, 44 гектар ердаги ғўзанинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олди. Ўн гектар майдондаги бедазор ривожини айтмайсизми? Энг зўр хўжалик бир йилда 5-6 ўримга эришган бўлса, Аҳмаджон бошлиқ миришкорлар 8-9 мартадан ўриб олишга муваффақ бўлди. Одамлар ерга ўзлари эга эканликлари, меҳнатлари роҳатини аввало ўзлари кўришларини англаб, астойдил тер тўкишди.

— Ерга ҳам вақтида озиқ, вақтида сув, вақтида ишлов керак, — дейди Аҳмад Нарзуллаев. — Биринчидан, ерни минерал ва маҳаллий ўғит билан тўйдириб, яхшилаб чуқур ҳайдаб, тағин озуқа бериб, текислаб, экишга тайёрлагандан кейин уруғ ўз вақтида экилса ва бутун вегетация даврида юксак агротехника қоидалари асосида парваришланса, ер ҳеч қачон алдамайди. Чунки у ўз оти билан — Ер. Кўпроқ ҳосил олишни ўйлаган деҳқон аввал ерини тўйғазади, суғоради, дам беради. Сўнгра ундан барака кутади.

Фермер хўжалигининг бугунга келиб 1700 бош қорамоли ҳам бор. Шунинг 80 боши соғин сигир. Сут ҳам, гўшт ҳам топширилади, демак даромад устига даромад.

— Тадбиркорлик ўзи таваккалчилик дегани-да, — дейди Аҳмад фермер. — Бошида ўзим, укаларим, оилам билан ишлардик. Секин-аста одамлар кела бошлади. Дастлаб 25 гектар, сўнг 50 гектар ер олдик. Ҳозир 100 гектардан зиёд экин майдонида меҳнат қилаяпмиз. 80 бош сигирдан кунига 500-600 литр сут соғиб олаяпмиз. Ва шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда. Сут, қаймоқ, пишлоқ тайёрланадиган кичик цех ташкил этганмиз.

Бундан ташқари, гўштни қайта ишлайдиган минизавод ҳам қурилган бўлиб, бу ерда тайёрланган маҳсулотлар сифатлилиги билан ажралиб туради. Россиядан келтирилган бу ускуналар орқали кунига 500 килограмм колбаса тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

АДОЛАТЛИ САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ТАЛАБИ

Олий Мажлиснинг XI сессияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири)ни биринчи ўқишда кўриб чиқиб, уни умумхалқ муҳокамасига чиқаришга қарор қилган эди. Бунинг сабаби қонуннинг мамлакат ва жамият ҳаётида ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги, албатта. Зотан, мустақил Ўзбекистонда умумдавлат, умумжамият аҳамиятига молик қонунларни қабул қилишдан олдин, уларнинг лойиҳаларини халқ ҳукмига ҳавола қилиш, ҳамда бу тўғрида кўпчиликнинг фикрини билиш, тушган таклиф ва мулоҳазалар асосида ҳужжатни янада пишириш демократик анъанага айланган.

Бу биринчидан, шундай муҳим масалалар юзасидан халқ билан маслаҳатлашишни билдирса, иккинчидан, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Ўзбекистон Президенти, Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар, умумхалқ референдумларида қатнашиб сиёсий кўникмаси ошган, ҳуқуқий тажриба орттирган фуқароларимизнинг ушбу Қонун лойиҳаси муҳокамасида фаол иштирок этишларига шубҳа йўқ. Чунки, бугунги кунда фуқароларимиз илгаригидек, фақат шунчаки «белги» учун эмас, балки ўз овозларини муносиб номзодга бериш учун сайлов участкаларига келмоқдалар. Демакки, улар Конституция билан белгиланган сайлаш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланишга, сайловлар натижасига амалий таъсир кўрсатишга интилмоқдалар.

Лекин ҳаёт бир маромда давом этавермайди. Қийинчиликларга қарамай илгарилаб боради. Ислоҳотлар йўлидан оғишмай одимлаётган мамлакатимизда демократик жамият биносини қуриш кенг кўламларда олиб борилмоқда. Ўзбекистон парламентини ислоҳ қилиш бунинг яққол мисолидир. Олий Мажлиснинг икки палатали этиб ташкил этилиши, нафақат унинг, балки унинг иштирокчилари бўлмиш сиёсий партияларнинг ҳам ҳуқуқ ва имкониятлари кенгайиши, масъулияти ошиши демакдир. Шундай бўлгач, парламентни шакллантиришда асосий ўрин эгаллаган сайловларни ҳам шунга монанд қилиб такомиллаштириш зарур. Зеро, бўлажак икки палатали парламентнинг қанақа бўлиши, кўп жиҳатдан, келажакда ўтказиладиган сайловга, унинг қай тарзда ўтказилиши ва натижаларига боғлиқ.

Лойиҳани ўрганиб чиқар экансиз, уни тайёрлашга юртимизнинг юқори малакали мутахассислари, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунослари жалб қилинганлиги яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга, унинг устида ишлашда мустақиллик йилларида тўпланган тажриба ва жаҳон амалиётига таянилганлиги ҳам сезилиб турибди. Мен ушбу Қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаган ҳолда, баъзи бир фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашишни жоиз, деб топдим.

Лойиҳанинг 11-моддаси 3-хатбошисига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси «округ сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади». Бироқ, бунда маълумотларнинг қаерда ва қай тарзда эълон қилиниши ноаниқ. Шу боис, мазкур хатбошининг қуйидаги матнини таклиф этаман. Марказий сайлов комиссияси «округ сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотларни **газета, телевидение ва радио тармоқлари орқали** эълон қилади».

Шу модданинг 11-хатбошисига кўра Марказий сайлов комиссияси «сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ва жамоат бирлашмалари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади». Ушбу масалада Қонунни бошқача тушунишга (масалан, ахборотни телефон орқали бериш ҳам мумкин экан-да, деб тушунишга), расмиятчиликка йўл қўймаслик учун мазкур хатбошини қуйидаги сўзлар билан тўлдириш лозим, деб ҳисоблайман: **«... ва тақдим этилган ахборотларнинг ёзма матнини ҳам талаб қилади».**

Қонун лойиҳасининг 19-моддасида айтилишича, «Сайлов кампанияси бошланганлиги аввалги чақириқ Қонунчилик палатаси депутатларининг ваколат муддати тугашига кечи билан уч ой қолганида Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади». Менинг фикримча, «оммавий ахборот воситалари» сўзларига аниқлик киритиб: **«республикада чоп этилаётган газеталар ҳамда телевидение ва радио орқали эълон қилинади»,** деб, ёзиб қўйилса, даладаги деҳқонни ҳам, чўлдаги чўпонни ҳам бўлажак муҳим сиёсий воқеа тўғрисида хабардор қилган бўлар эдик.

Лойиҳа 31-моддасининг 3-хатбошисида: «Депутатликка номзод сайловга қадар истаган вақтда номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади», деб ёзилган. Ушбу модда қуйидаги таҳрирда баён қилинса, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлар эди: «Депутатликка номзод Қонунда белгиланган номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар истаган вақтда номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ёзма равишда асосли ариза билан мурожаат қилади **ҳамда бир вақтнинг ўзида унинг номзодини кўрсатган сиёсий партия ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳини хабардор этиб қўяди».** Бу мазкур шахснинг номзодини кўрсатган ва унинг фойдасига тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борган сиёсий партия ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳи олдидаги масъулиятни оширишга хизмат қилган бўлар эди.

Умумхалқ муҳокамаси натижасида Қонун лойиҳаси маромига етказилиб, бугунги куннинг талабига тўлиқ жавоб берадиган, янада такомиллашган ҳолда парламентимиз томонидан XII сессияда қабул қилинишига ишончим комил.

Маҳмуд ТОИРОВ,
сиёсатшунос

Ватан ҳимояси — олий шараф

ҚАНОТЛИ ҚАЛҚОНЛАРИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Курсант Шерзод КАРИМОВ — Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидан:

— Раҳматли бобом иккинчи жаҳон урушида қатнашган эдилар. У кишининг фронт ҳақидаги даҳшатли хотиралари қулоғим остида жаранглаб турибди. Урушнинг оти ўчсин. Тинчликка нима етсин. Лекин армия керак. Тинчликни асраш, урушнинг олдини олиш учун ҳам Қуролли Кучлар зарур. Президентимиз айтганларидай: бизга миллий, ихчам, сифат жиҳатдан пухта ва тезкор армия керак. Бундай армияда хизмат қилиш эса йигитлар учун нафақат фахрли бурч, балки шарафга, Ватанга, халққа садоқат, жасорат ва матонат мактабига айлансин.

Бугун бу ерда олган сабоқларимизнинг эртага асқотишига ишонаман. Керак бўлса, юрт осойишталиги, эл тинчлиги йўлида жон фидо қилишга ҳам тайёрмиз. Кичик бир илтимосим бор: иложи бўлса, Қўшбулоқ қишлоғида яшаётган, менга соғлик, юртга омонлик тилаётган ота-онамга фарзандлик саломимни етказиб қўйсангизлар.

Курсант Собит ТОҲИРОВ — Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидан:

— Ҳарбий бўлиш, туну кун тиним билмай жанговар тайёргарликни ошириб бориш — машаққатли иш. Мен ҳам бошида бироз қийналдим. Офицерлар, олдинги курсда ўқиётган курсантлар ёрдамларини аяшмади. Кўникиб, ўрганиб, чиниқиб кетдик. Янги, ғоят мураккаб ҳарбий техникани, тез учар самолётлару қудратли вертолётларни ўрганиш, уларни бошқариш, қуролларни ишлатиш, нишонга бехато уриш, лозим пайтда таъмирлашнинг ҳам уддасидан чиқиш — булар айтишга осон. Лекин эрта-индин миллий армиямиз учун офицер бўлиб чиқишимни ўйласам, барча машаққатларни унутаман. Ниятим: ҳарбий қасамёдимга содиқ қолиб, Ватанимга, Президентимга, халқимга садоқат билан хизмат қилиш.

✧✧✧

Ҳа, бугун курсантлар билим юртида устоз-мураббийлар кўмагида ҳарбий маҳоратларини кун сайин ошириб, жанговар техникани пухта ўрганмоқдалар. Уларга яратилган шарт-шароитларни кўрсангиз, ҳавасингиз келади. Йигитларнинг эгнидаги ҳарбий кийимлари ўзларига ярашган. Боқишлари ўктам. Қоматлари адл. Кўзларида чақин. Ўзларига, кучу қудратларига ишонади. Чунки, улар мустақил Ўзбекистон фарзандлари, Ватаннинг қанотли қалқонлари. Шулар борки, эртамиздан кўнглимиз тўқ. Шулар борки, ҳаётимиз тинч, осмонимиз мусаффо.

(Ўз мухбиримиз)

✧✧✧

Суратларда: билим юрти ҳаётидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Миллат ва тарих

ЎТГАН АСР ЭСДАЛИКЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Зўри-ку... Ашир тоға!

Ашир тоға ариқ бўйига чўққайиб ювинди, қирқ ямоқ қийиқ билан юз-кўзини артди, толнинг ердан туртиб чиққан бесўнақай илдизига ўтириб танасига ҳорғин суянди. Кўзларини юмди. Бошини кўксига ташлади. Зиёфат кунлари чол нозик меҳмонга тортилган қуюқ-суюқ овқатнинг идиш-товоғи қайтгунча шу кўйи ҳақ деб ўтиради. Сарқитни саралаб аввал чойхоначи олади, қолган-қутгани унга тегади, товоққа солиб бетоб неварасига ташлаб чиқади.

...Отам томорқага одам тушади деганига жойроқ турдим. Онам товоқни икки қават бўз дастурхонга ўраб-чирмаб берди, овқатни олиб келсам, Ёқуб ака кўча ариқда қийғос ўсган супурги соясида қорни пачоқ тўнка чойнакни ерга ўрнатиб қайнатаётган экан.

Дастурхоннинг бир чеккасини очди.

— Илиққина экан, бир чуқум Ашир тоғанинг неварасига берай.

У сирланмаган сопол товоққа овқат солди, нон бостирди, қийиққа ўради. Чорраҳадаги деворлари туянинг ўркачидек паст-баланд ҳовлига кириб ҳаяллаб қолди. Сўққабош бу одам қиш чилласини чойхонада ўтказади. Кўкламнинг илиқ-иссиқ кунлари келди дегунча эски олача чопонни қўлтиқлайди, кетмон дастага бўз халтани илиб елкага ташлайди-да, одамларнинг томорқасига тушиб кетади. Қай ерда ишласа чанг-тўзонни тўсади, деб кўча ариққа супурги экади. Кузда Ашир тоға ўриб олади. Чол даста-даста супурги боғлаб қиши билан Миробод бозорида сотади, ёзда колхоз полизига қарайди, баъзан ойболтани елкага ташлаб шаҳардаги тўнка ковловчиларга қарашади — шу тариқа амал-тақал рўзғор тебратади.

... Ёқуб ака билан бошлашиб Ашир тоға неварасини опичиб чиқди. Қизалоқ ингичка, орик қўллари билан чолнинг бужур тол танасига ўхшаш ажиндор бўйнидан маҳкам қучоқлаганча бошини елкасига қўйиб кўзларини очмасди. Чол йўл ёқалаб яккам-дуккам теракларнинг олачалпак соясидан бораркан, Ёқуб ака шошганча қийиқни ариқда ҳуллаб, қизчанинг бошига ташлаб қўйди. Бўшашганча келди-да, чўққайиб чойнакка қайта олов ёқди.

— Осмон йироқ, ер қаттиқ, — деб қўйди уҳ тортиб.

— Қаёққа кетди?

— Шаҳарга, ўғлим, шаҳарга. Ўпка даволайдиган қўли енгил доктор бор, оти Шокир Алимов, шу колхозни одами дейишади, шуни олдига кетди. Қишда болани кўриб: «Дардини ўтказиб қўйибсиз, овқатга зўр беринг, наҳорда тухум ютишни канда қилмасин» деганига чол бечора битта товуқни еру кўкка ишонмайди, қишда ҳам бостирмани бурчагига ҳавоза қилиб товуқни ўша ерда боқади, ўғли олиб келган бир сават жўжадан шу... биттагина товуқ қолган.

— Ўғли борми?

— Бор эди...

Ёқуб ака ошдан уч-тўрт қошиқ тотинган бўлиб, устини ёпиб қўйди, босиб-босиб чой ичди. Гуваладек кесакка чопонни тўрт буклаб ёнбошлади.

— Урушдан қайтмади... Шўрлик она йиғлай-йиғлай кўздан айрилди, чол эски токнинг қийшайган зангидек букчайиб қолди... Келинини гаплашиб юргани бор экан, шу кўклам бетоб болани ташлаб ўша билан Ўратепага қўчиб кетди...

Олисда файтон-арава кўриниши билан Ёқуб ака сергакланиб, ўрнидан турди. Аравани тўсатдан тўхтатиб чакки қилганини фирқа амаки кеч пайқади: орқадаги чанг-тўзон устидан ёпирилиб ўтди, бўғилиб-бўғилиб йўталди.

— Ҳой, унсур, ишласанг колхозда иш қуриб қолганми?!

Ёқуб ака жавоб бермади. Фирқа амакининг фиғони фалакка кўтарилиб жиловни силтади, арава ўқдай учиб чорраҳадан бурилиб кетди.

— «Унсур» нима дегани?

Ёқуб ака кулди.

— Худо билади, фирқачасига сўкканими? Колхозга заём тушган, беҳисоб катта эмиш, шунга бўзчининг мокисидай югуриб одам хабарлаяпти. Менга гузарда йиғин бўлади, ҳамма қатори заёмга ёзиласан, колхоз ишидан бўйин товлаганинг билан қизил чойхонасида ётиб юрибсан, деб дўқ-пўписа қилди, ҳумпар.

Отам турнақатор келиб-кетиб турган аравалардан бўшай олмасди. Йиғинга боролмади. Зарур ҳужжатларни жилдга жойлаб ҳисобчига беру қайт, деб мени жўнатди. Борсам сайхонга тумонат йиғилган: эски-туски шолча, намат, бўйрада биров чордона қурган, биров чўққайган, жой етишмаганлар ярим доира бўлиб тик туришарди. Қорасув бу жойдан эни уч метрдан ошмай, торайиб оқади. Сувнинг устидаги сўрида қизил алвонли стол, атрофида пакана, чиллакдек орик — райком вакили билан бир даста қоғозни олдига қўйиб котиба ўтирар, фирқа амаки қўлларини силкитганча гапдан тўхтамасди. Унинг дев қомати олдида райком вакили яна ҳам кичкина бўлиб кўринарди... Одамларни ёриб ҳисобхонага ўтолмасдим. Фирқа амакининг орқага қараб қолишидан чўчиб секин қўшчинор панасига ўтдим.

Вакил фирқа амакининг енгидан тортди.

— Чўзма!

Фирқа амаки бесўнақай гавдаси билан ўгирилди, сичқоннинг қаршисида тиз чўккан филга ўхшаб вакилга букчайди, нимадир деди, вакил қўл силтади.

— Азиз биродарлар, — уни бояги шашти қолмади, — бахт қуши бошимизга қўнди! Заёмга ёзилиш кампаниясини районда биз бошлаймиз! Жонажон партия чақириғига «лаббай» дегувчилар, қани марҳамат, чиқаверсин!

Фирқа амаки кутган давомли қарсаклар хазонрезгида тўкилган баргларнинг ола-шовур шитирлашига ўхшаб ўтди.

— Ана, биринчилардан колхоз фахрийси Ашир тоға қўл кўтардилар, йўл берилсин, Ашир тоғага!

Сайхон этагида борми-йўқдай бўлиб ўтирган Ашир тоғани сўлақмондек икки йигит ёш боладек қўлтиғидан кўтариб келиб сўрига чиқариб қўйди. Чол дағ-дағ титрарди, ҳаммага жовдирарди, аммо ҳеч кимни кўрмасди. Сувнинг шовқини орасида унинг ҳазин товуши эшитилди.

— Жон болам, мени қийнама...

— Алжираманг, қария! — Фирқа амакининг кўзлари соққасидан чиққудай олайди, — айтдим-ку, бир сўм тўламайсиз, бу бир сиёсат, бу билан сиз одамларни ватанпарварликка даъват этган бўласиз!

— Қариганда кушхонани серкаси бўлмай ўлай!

— Бас қилинг, ҳаммани кўзи шу ёқда!

ВА ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Мустақиллик куни арафасида замонавий стадион ва спорт зали фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бу спорт иншооти ҳам унинг оталиғида қурилмоқда.

Хуллас, бугунга келиб «Лочин» фермер хўжалиги кўп тармоқли хўжаликка айлантирилди. Айни пайтда 100 га яқин одам иш билан банд. Уларнинг иш ҳақи 50 минг сўмдан кам эмас. 2001 йилда «Лочин» фермер хўжалиги 420 миллион сўм даромад қилди. Шундан 180 миллиони соф фойда. 2002 йилга келиб бу кўрсаткич қарийб икки баробарга ошди.

Яқинда Деновда бўлганимизда Аҳмад фермерни суриштирдик. «У киши стадионда, катта спорт мажмуасини қураяпти», дейишди.

Очиғи, бундан ажабланмадик. Чунки саховатли тадбиркор яна бир катта савобли ишга — спорт мажмуи қуришга бел боғлаганини эшитгандик.

Дарҳақиқат, Деновдаги Амир Темур номли жамоа хўжалигига қарашли 4-ўрта мактабнинг спорт майдони қаровсиз ҳолда ётарди. Шу майдон ўрнида замонавий стадион бунёд этилди. Майдоннинг бир четида эса каттагина спорт зали қурилди. Залга ринг ўрнатилди, кураш гиламлари тўшалди. Атиги ўттиз кун ичида 120 миллион сўмлик ишлар бажарилди.

«Лочин» фермер хўжалиги фақатгина мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлаётган аскарларни сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмасдан, эндиликда маданий-маиший иншоотлар қуришга ҳам бел боғлаган. Ҳашаматли теннис корти, спорт майдончалари, чўмилиш бассейни, гўштни қайта ишлаш корхонаси, яна қанча режалар, орзулар...

— Аҳмад Нарзуллаев 2002 йили республика «Ташаббус» кўрик-танловида иштирок этиб, мамлакатимизнинг «Энг яхши фермери» деб топилган ва Президент совғаси — «Матиз» автомашинаси билан тақдирланганди.

— Аҳмад фермер чинакам фидойи, эл-юрт учун меҳнат қиладиган одам, — дейди Денов туман ҳокими Абдиҳаким Эшмуродов. — У бағрикенг, қўли очиқ, кўпнинг дуосини олаётган инсон. Шунинг учун ҳам худо омадини бераяпти. Ерга ана шундай ишлайдиган одамлар эгалик қилса, мамлакатимиз бой бўлади, халқимиз фаровонликка эришади.

«Лочин» фермер хўжалигининг энг катта имкониятларидан яна бири ўз қурувчиларига эгалигидир. Ёқубжон Нарзуллаев уларга бошчилик қилади. Шерали Хўжанов, Хуррам Алимардонов каби бетончилар, Муҳиддин Ҳасанов бошлиқ пардозчилар, Равшан Қурбонов бошлиқ сантехниклар бригадаси ҳар қандай ишни пухта, сифатли ва тезкорлик билан бажаради.

Аҳмад фермер қилаётган ишларни кўриб, хаёлга чўмасан киши: қанча топмасин бировга бир чақа раво кўрмайдиганлар бор. Ўзига қаср қуриб етти пуштига етадиган бойлик тўплаб ётганлар бор. Топганини кўз-кўз қилиб, дабдабали тўй ўтказиб, енгил машиналарнинг энг қимматини миниб пишқириб яшаётганлар бор. Ўз маҳалласи, ўз қишлоғи, эли учун, ёрдамга муҳтожлар учун бироз ёрдамни хаёлига келтирмайдиганлар бор. Аммо Аҳмад фермерга ўхшаб, бағрини кенг қилиб, элнинг дуосини олаётганлар ҳам бор. Тўғриси, бундай саховатпеша инсонлар кўпайиб бормоқда. Бойлик келади-кетади. Инсон умри ҳам ҳисобли. Аммо яхшилик, савобли ишлар унутилмайди.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Инсон ва ҳуқуқ

ЖАЗО ЭМАС — ТАРБИЯ МУҲИМ

Улуғбек Турсунов икки нафар жажжи фарзанднинг отаси. Учкўприк туманидаги «Улуғбек» савдо ишлаб чиқариш фирмасида ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Шу йил 14 март куни кечки пайт у машинасида Бағдод туманидаги Бордон қишлоғидан ўтиб кетаётган эди. Чарчадими ёки хаёли чалғидими тўсатдан машинаси билан фуқаро М.Исмоиловни уриб юборди! Ҳайдовчи бир зум ўзини йўқотади, тўхтаб, жароҳат олган одамга ёрдам бериш ўрнига воқеа жойидан қочиб кетади. Натижада ҳаётий тажрибаси кам, қонунларни яхши билмайдиган бу фуқаро Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 117-моддаси 1-қисми, 266-моддаси 1-қисмидаги жиноятларни содир этади. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят Кодексида ушбу жиноят учун қамоқ жазоси кўзда тутилган. Бунинг устига М.Исмоилов ўртача оғир тан жароҳати олган эди.

Албатта, У.Турсунов содир этган ишидан қаттиқ пушаймон бўлиб, жиноятига тўла иқрор эди. У жароҳатланган М.Исмоиловдан хабар олган, унга етказилган моддий зарарни қоплаган эди. Бироқ, эски даврларда фуқаро У.Турсунов бу жинояти учун барибир қамалган, икки боласи ота меҳридан маълум муддат маҳрум бўлган, қариндош-уруғ, яқинлари қаттиқ изтиробда қолган бўларди. Бу ишдан на жамият ва на фуқаро ютарди.

Умарали Узоқов М.Зокиров билан бирга Бувайда туманидаги «Фозил ота» фермер хўжалиги ҳудудидаги кўлга парранда овига боришади. Кутилмаганда У.Узоқовнинг милтиғи отилиб кетиб М.Зокировни яралайди. Эски таҳрирдаги кодексга кўра у албатта судланиши даркор эди. Лекин жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан олти фарзанд отаси У.Узоқов қамоқ жазосидан озод қилинди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг судҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Жаҳон андозалари даражасидаги кўплаб қонунлар, ҳужжатлар қабул қилинди. Республика Олий Мажлиси томонидан 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам ана шундай инсонпарварлик намунаси, миллий анъаналаримизга мос, адолат ва ҳуқуқий фуқаролик жамияти манфаатларига хизмат қиладиган ҳужжатга айланиб қолди.

Юртбошимизнинг жиноий жазо тизимини либераллаштириш ҳақидаги фикрлари асос қилиб олинган ушбу қонун туфайли У.Турсунов, У.Узоқов сингари билиб-билмай, тасодифан, биринчи марта жиноятга қўл уриб қўйган фуқаролар озодликдан маҳрум бўлиш жазосидан ҳамда бундай номаъқулчиликни такрорламасликка аҳд қиладилар.

Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши, дейдилар. Бироқ, баъзан бу «уруш»лар чегарадан чиқиб, жиноятга ҳам айланиб қолади. Ҳаётда бунга мисоллар кўп. Лекин, шу жанжалдан жиноят иши ясаб судга ошириш, эр ёки хотинни жазолаш ҳамиша ҳам кўзланган мақсадни берадими? Ахир, бу ҳол шу оиланинг мустаҳкамлигига путур етказмайди, деб ким кафолат беради? Қолаверса, ота-онадан бирининг қамалиши фарзандлар тарбиясига қандай таъсир қилади? Албатта, ижобий таъсир кўрсатмайди. Фарғона шаҳрида яшовчи фуқаро Ф.Ҳайдаров турмуш ўтроғи Л.Ҳамидова билан ўзаро жанжаллашиб қолиб уни қасддан уриб, соғлиғининг бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳати етказган. Фарғона шаҳар ички ишлар бўлими Ф.Ҳайдаровга нисбатан жиноят иши қўзғаган эди. Кейинчалик эр-хотин яраша кетишди. Суднинг ажрими билан жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди. Ярашув институтининг қўлланилиши натижасида оила сақлаб қолинди. Можаро бартараф бўлди.

«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижроси юзасидан Фарғона вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Масалан, шу қонунга мувофиқ вилоятда 176 нафар шахсга нисбатан 287 та жиноят иши қайта кўрилган. Вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумладан прокуратура тизими ходимлари ярашув институтини амалиётга тадбиқ этишга алоҳида эътиборни қаратмоқда. Чунки, бу — тасодифан жиноят кўчасига кириб қолган кишиларни тарбиялаш, уларни жамият учун фойдали шахс сифатида ўзлигини тўла намоён этиш, кейинги ҳаётларини тўғри кечириш учун берилган бебаҳо имкониятдир. Агар 2002 йил давомида вилоят тергов идоралари томонидан жами 880 нафар шахсга нисбатан 847 та жиноят иши ярашув асосида судга юборилган бўлса, 2003 йилнинг 7 ойи давомида 475 нафар шахсга нисбатан 457 та жиноят иши ярашув асосида судга юборилган. Улар орасида жабрланувчига қасддан ўртача оғир тан жароҳати етказган, ўзлаштириш ёки ноқонуий сарф-харажат қилган, ўғрилик жинояти содир этган, транспорт воситаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларини бузганлар ва бошқа жиноят ишлари ҳаракатдан тўхтатилган. Бу эса қанча-қанча оилаларда хотиржамликни таъминлади, қанча-қанча шахслар орасидаги ўзаро ихтилофларга чек қўйди, пировардида шу кишилар яшаётган маҳалла, хизмат қилаётган ишхоналардаги муҳитни яхшилади.

Тўғри, баъзан тергов идоралари, судларда ярашув битимлари тузишга эътиборсизлик ҳолатлари ҳам учраб туради. Масалан, Қўқон шаҳар суди фуқаро Д.Тожибоевни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 109-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айблаб, унга 102900 сўм жарима жазосини тайинлаган. Аммо суд Д.Тожибоевнинг илгари судланмаганлиги, ўз айбига тўлиқ иқрорлиги, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигига аҳамият бермаган. Жабрланувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодексининг 583-моддаси тартибида ярашув тўғрисида ариза бериш-бермаслик ҳолатини аниқламаган. Натижада ярашув институтини қўллаш тамойилига риоя қилинмаган. Суднинг ушбу ҳукмига Қўқон шаҳар прокурори томонидан аппеляция тартибида протест киритилди ва суд томонидан жиноят иши қайта кўриб чиқилиб Жиноят Кодексининг 66-1-моддасига асосан ҳаракатдан тўхтатилди. Д.Тожибоев жарима тўлаш ва «судланган» деган номни олиб юришдай ноқулай аҳволдан ҳоли қилинди.

Ҳа, ярашув институтининг амалда кенг қўлланилиши жиноятларнинг камайишига, шахсни тарбиялашга хизмат қилади. Мамлакатимизда демократик, ҳуқуқий жамият барпо этилишини жадаллаштиришда, инсон ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтиришда ижобий роль ўйнайди.

Маъруфжон УСМОНОВ,
Фарғона вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси.

МИЖОЗ БАНККА ИШОНСА...



Аҳолининг банк хизматига бўлган ишончи тобора ортиб бораётгани, банк хизматлари тармоғи сезиларли даражада кенгайганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Акциядорлик-тижорат «Пахтабанк» Конимех туман бўлими фаолияти ҳам бунга мисол бўла олади. Ўтган йили 200га яқин мижозга хизмат кўрсатган банк жамоаси бугун мижозлар ишончини оқлаётгани сабабли 350 дан зиёд мижозга эга бўлди. Кичик ва ўрта корхоналар, фермер хўжаликларининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгаймоқда.

❖❖❖

Суратларда: банк операциялари бўлими етакчи мутахассиси Салима Каримбоева; банкнинг замонавий биноси туман маркази ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ДЕРМАТОЛОГИЯ ВА ВЕНЕРОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

2003 йилга

болалар дерматовенерология мутахассислиги бўйича 4 та ўринга клиник ординатор қабул қилиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мазкур танловга эълон чиққан кундан бошлаб 2003 йил 29 августгача ҳужжатлар қабул қилинади.

Қўшимча ахборотни 114-50-01 рақамли телефон орқали илмий кенгаш котибидан олиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 3-уй.

Чол ҳеч нарсага кўнмас, нуқул ўзиникини маъқулларди. Йиғилганлар орасида бесаранжомликка ўхшаш ғалати кайфият пайдо бўлди. Тортишув чўзилди. Вазият оғирлашди. Қалтис тус олди. Фирқа амаки ортиқ гапга кўндира олмаслигини пайқаб чолнинг елкасидан қучган бўлди, хиёл энгацдида, қўнжидан пичоқ олиб бикинига секин тиради. Чол товонига биров мих қоққандай сакраб тушди, яктагининг беш тийинлик чақадай жойи бирпасда қизғиш тус олди. Бу ишни одамлардан паналаб шундай абжирлик билан бажардики, ёнгинасидаги котиба аёл ҳам пайқамай қолди. Фирқа амаки чолни ҳамон бағридан қўймай сайхондагиларга юзланди.

— Отам тушмагур, ёзилсам каттасига ёзиламан, етса молим, етмаса жоним деб, тихирлик қилаяптилар!

Ола-шовур шовқин олқишларга айланди-ю, унинг садолари остида Ашир тоға титраб-қақшаб қоғозга қўл қўйди. Аммо қарсак садолари кўпга бормай йиғи-сиғига айланди. Қорасувда чўмилиб келаётсам чорраҳада катта юк машина турипти: атрофида болалар, қари-қартанг чоллар, бир талай хотин-халаж. У пайтлар бунақа машина анқонинг уруғи эди — яқинига бордим. Оппоқ соқоли кўксини елпиғичдек тўсган қария рўпарадаги эшикка безовта назар ташлаётган нотаниш одамга йиғламсираб гапирар, аммо ундан садо чиқмасди, кесакка айланганди.

— Сигирни ташлаб кет, жон болам, неваралар оқсиз қолади. Заём пулини годовойда оламиз дегансанлар, лабзларинг борми?!

Эшикдан барзангидек киши чойшабга ўралган бир қучоқ бекасам кўрпача кўтариб чиқиб машинага улоқтирди. Орқасидан шериги янги палакни судраганча йўл-йўлакай йиғиштириб келаётган эди, уввос солиб ҳовлидан отилиб чиққан аёл палакка ёпишди:

— Палакка тегма, номард, онам бунга ўн йил кўз нурини тўккан! Барзанги билан аёл палакни икки томондан тортаторта ширилатиб йиртиб юборди. Барзанги қўлида қолган бўлакни ғижимлаб аёлга улоқтирди. Аёл унга ўралашиб остонага гурсиллаб йиқилди. Қий-чувда кимдир машина орқасига боғланган сигирнинг бошоғини бўшатиб юборди. Озодликни пайқаган жонивор жон-жаҳдда ариқ ҳатлаб томорқа оралаб қочди. Уни қувган киши ариқдан ўтолмай оёғи тойиб сувга шалоплаб тушди. Этиги қўнжигача балчиққа ботиб сўкина-сўкина ортга қайтди. Кўча бошида узун-қисқа бўлиб келаётган вакил билан фирқа амакини кўриб ноилож Ашир тоғаникига ўзимни урдим.

Этагида бир дунё супурги пала-партиш уйилган каталакдай ҳовлида катта шохи қуриган ўрикдан бўлак дов-дарахт кўринмас, ҳаммаёқ жазирама иссиқ, дим, нафас олиб бўлмасди. Оппоқ сочлари тўзиган увоққина кампир ўрикнинг бўйрадек соясида қоқсуяк оёқларини офтобга тоблаб ўтирар, невараси бир ҳовуч бўлиб тиззасида мук тушиб ётарди.

Кўчада фирқа амаки «бу ёққа ҳам кириладими?» деб сўраган эди, вакил жеркиб ташлади.

— Э, ўша ишонган одамингдан ўргилдим... расво қилай деди-ку.

Супурги ғарамига яширинишим билан олдинма-кейин ичкарига киришди. Фирқа амаки кампирни кўриб ҳовли ўртасида қаққайиб туриб қолди. Вакил бостирма томон ўтиб ҳаялламай «тавба, бу уйда ҳеч вақо борми?» — деганча орқага қайтаётганда йўл устидаги чўян обдастага қоқилиб мункиди ва бориб ўрикка боши билан тегди. Дарахтда ўтирган тиқачадай оқ товуқ қақиллаб бирдан пастга сакради, вакил чўчиб ўзини четга оламан деганда, яна бехос елка аралаш дарахтга урилди.

— Лаънатини қозонга бос! — деди вакил ерда ётган бир пой йиртиқ кавушни товуққа отиб ва пешонасини чангаллаб кўчага чиқди.

Фирқа амаки бир лаҳза довдиради, аммо ўзини тезда ўнглаволди: жаззаси уч-тўртта жўжа олиб беради, вассалом, шу тобда вакилнинг гапини иккита қилиб бўларканми?! У жон-жаҳдда товуққа ташланди, қурғур эгасидан бешбаттар қайсар экан, ҳали у ёққа лапанглаб қочади, ҳали бу ёққа... Салда уни ҳолдан тойдириб қўйди. Эгар чақалаган одамдек оёқларини беўхшов керганча борди-да кампирнинг ҳассасини олиб товуққа улоқтирди, таёқ қанотига тегиб товуқ қақиллаб ётиб қолди. Шундагина кампир мудҳиш воқеа рўй бераётганини пайқаб неварасини шошганча бўйрага ётқизди, ёнверини пайпаслаб, ҳассани тополмагач, жон-жаҳди билан кўча эшикка эмаклаб кетди ва вақт ғаниматда товуқни қўлтиқлаб остонага етган фирқа амакининг оёқларини маҳкам қучоқлаб олди, чанг-қурум босган этигига юз-кўзларини суртиб ёлворди.

— Ҳой, кимсиз, товуққа тегманг! Чол, қаёқдасиз?!

Фирқа амаки гандираклаб рапидадек панжалари билан эшикка суянди. Кесаки орасидан чиққан ари жизиллатиб кафтини чақди. Тиззаларига илондек чирмашган қўллардан қутулиш пайида оёғини силтаб тортган эди, нағал пошнаси бехос кампирнинг қаншарига тегиб кетди. Кампир остонадан пастга юмалади, безгак хуруж қилгандай титраб-қақшаб анчагача ётди, кейин ғалати товуш чиқариб ғулдиради, қарғади шекилли, афсус, қарғиши ижобат бўлмади. Кўп ўтмай «заёмга ёзилиш кампаниясини намунали ўтказгани» учун фирқа амаки шаҳардан нишондор бўлиб қайтди. Ўша куни кампир шўрлик мангу маконига қўйилди.

Ғам-ғусса бир келмасин экан, кампирнинг уч кунлигида набираси ҳам чолнинг тиззасида ёруғ оламдан кўз юмди.

Урушнинг дастлабки ойлари Қорасув устидан ўтган темир йўл шахобчасининг омборга яқин этагида сандал курсидай харсангтош юмалаб ётарди. Кечалари Ашир тоға алламаҳалгача тиззаларини қучоқлаб устида ўтирганига, уни чолнинг «ҳасрат тоши» дейишарди. Набирасидан кейин чол анчагача тошдай кўринмай, тўсатдан пайдо бўлиш тафсилотини чойхоначининг дадамга айтганларидан чала-чулпа англадим.

... Фирқа амаки одатдаги зиёфатдан кейин уйга кетгани эринди. Бостирмада тунади. Ярим кечаси аллакимнинг ҳансираб нафас олишидан чўчиб уйғонди, уйғонди-ю бошида муаллақ осилган ойболтани кўриб сим қароватга ёпишиб қолди. Эшик тирқишидан бир қатим ипдай чўзилиб тушган шуълада болтанинг чархланган дами ханжардай ярқираб кетди.

Чол букчайиб энгашди, хириллаб қичқирди.

— Товуқ қани, аблаҳ, оқ товуқ?!

Фирқа амаки, иттифоқо, бурчакда ётган бир ҳовуч оппоқ увадага кўзи тушмаса, ё бошига болта тушарди, ё даҳшатдан юраги ёриларди.

— Ана! — Чолни алаҳситди у, — ана, ётипти, ана!

Чол ён-атрофга аланглади, тўсатдан бурчакда алланарса «силкинган»дай бўлди, ҳаяжондан дув этиб кўзларига ёш келди. Болтани оҳиста ерга қўйиб, оёқ учида борди-да, увадани бағрига босганча силаб-сийпаб кўчага чиқди...

... Қиш чиллага яқин қабристон дарвозасида тушиб қолган бир пой эски чорикдан чолни тусмоллаб топишди. У бир қарич қорнинг тагида кичкина қабрни қучоқлаб ётарди. «Унсур» Ёқуб ака олача чопонни орасида йиғиб юрган ўлимлик пулга Миробод бозорига тушиб қўлдан бир тўп шаша дока олди. Уни қаватлаб кафанлик қилишди. Шомга яқин чол набираси ёнига қўйилди. Доғ теккан яктакни ғассолга беришди. Ўғли тепибтепиб кийинг, ота, деб пухтагина кирза этикни ташлаб кетган эди. Чол не-не қора совуқларда, не-не қор-ёмғирларда эски чорикда юрса юрдики, этикни киймади, ўзига буюрсин деб, бостирма тўсинига осиб қўйди. Шўринг қурғур фоний оламни оёқяланг ўтказди, боқий дунёга ҳам сарпойчанг кетмасин деб шу этикни гўрковга бериб келишди.

... Ҳар гал аэропортга йўлим тушса, маҳалланинг оғзида тўхтайман. Қорасувдан ўтган ўша шахобча темир йўл ҳали ҳам бор. Сандал курсидай «ҳасрат тоши»нинг ён-атрофи аллақачон тупроққа кўмилиб, баркашдай жойи қолган, холос. Тошга чўққаяман. Болалигим ўтган жойларга узоқ термуламан. Паст-баланд далалардан, тупроқ кўчалардан асар қолмаган: асфальт ётқизилган текис, равон кўчалар, кўм-кўк дарахтлар орасида қад кўтарган ҳашаматли уйлар! Хаёлга толаман. Бу жойлардан кимлар юрмади, кимлар ўтмади?! Шўринг қурғур Ашир тоға зоти инсонга ато этилган бир лаҳзалик ғанимат умрда нима кўрди, нима топди, ўзидан нима қолдирди дунёда? Орзу-армонлари ушалмай ўтганларнинг сон-саноғи борми?

Озод юртнинг озод фарзанди бўлиш бахтидан бенасиб кетган барча инсонларнинг охирати ёруғ ва обод бўлсин.

Латиф МАҲМУДОВ

«ОХАНГАРОНШИФЕР»
очиқ акциядорлик
жамияти жамоаси
бунёдкор халқимизни ажойиб
байрам — Ўзбекистон
Мустақиллигининг
12 йиллиги
муносабати билан муборакбод
этади.
Истиқлол йилларида юртимиз шаҳар ва қишлоқлари мисли кўрилмаган даражада гўзаллашди. Обод, кўркам масканлар кўпайди. Улкан иншоотлар, маданий-маиший бинолар ва аҳолига қулай уй-жойлар бунёд этилди. Буларнинг барчасида бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан беҳад шодмиз.
Ватандошларимизни шонли байрам билан қутлар эканмиз, ҳамкасбларимизга, шунингдек, турли касб эгаларига омад, бахт, саодат ва узоқ умр тилаймиз.
Тинчлик, хотиржамлик ва тўкин-сочинлик ҳеч бир хонадонни тарк этмасин!

«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

Ватандошларимизни энг азиз, энг улуғ, энг тотли байрам — Истиқлол айёми билан муборакбод этади. Ушбу фарахбахш кунларда ҳар бир оилага тинчлик, тотувлик ва фаровонлик тилайди.

Ўн икки йил кўҳна тарих учун жуда қисқа муддат. Лекин шу йиллар давомида юртимиз ҳар томонлама ривожланди. Ўзбекистонда ягона темир йўл тизимини барпо этиш борасида катта ишлар қилинди. Айниқса, ўтган йили энг улуғ, энг азиз байрам арафасида янги қурилган Учқудуқ— Султон Увайстоғ— Нукус темир йўлида йўловчи поездлари қатнай бошлаганлиги қувончли бўлди. Эндиликда йўлга кетадиган вақт қўшни Туркманистон ҳудуди орқали ўтадиган йўналишга нисбатан етти соатга қисқарди. Ўнлаб янги станциялар, темир йўл бекатлари барпо этилди. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди ва янги иш ўринлари яратилди.

Тошкент— Самарқанд йўналишида тезюрар поезд ташкил этилганлиги бу борада катта янгилик бўлди.

Юртдошларимизни қутлуғ байрам билан табриклар эканмиз, ҳар бир хонадонга тинчлик, фаровонлик ва тўкин-сочинлик тилаймиз. Йўлингиз ҳамиша равон ва бехатар бўлсин, азиз юртдошлар!

Қарор ва ижро

ИЙМОН ЧЕГАРАСИ БАҚУВВАТ БЎЛСИН

Мамлакатимиз Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан бозорлар фаолиятини яхшилаш, аҳолининг юқори сифатли истеъмол молларига бўлган талабини тўла ва ўз вақтида қондиришга қаратилган Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 6 майдаги 154-сонли қарорини алоҳида қайд этиш керак. Қарор бир томондан сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз моллар бозорларимизни ортиқ банд этмаслиги чораларини кўзда тутса, иккинчидан халқимиз эҳтиёжини ўзимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари эвазига қондириш заруратини ҳам вужудга келтиради.

Қарорга мувофиқ сарҳадларимизни кесиб ўтаётган товарларнинг яроқлилик даражасини ўрганиш тартиби амалиётга жорий этилди. Хоразм вилоят божхона бошқармаси ходимлари 2002 йилнинг январь-май ойлари мобайнида хориж товарларини юртимизга олиб кириш бўйича 395 та қонунбузарлик ҳолатини қайд этган бўлишса, ундан кейинги 5 ой ичида 490 та ҳуқуқбузарлик ҳолатларига дуч келишди. Ноқонуний олиб ўтилаётган товарлар қиймати ушбу йилнинг дастлабки 5 ойида 123,9 миллион сўмликни ташкил этди. Бу кўрсаткич аввал 35 миллион сўмликдан иборат бўлгани назарда тутилса воҳа истеъмол бозорини муҳофаза қилиш соҳасида божхона ходимлари томонидан амалга оширилган ижобий бурилишлар кўлами кўзга яққол ташланади.

— 1998 йилдан буён ёғоч-тахта маҳсулотларини юртимизга келтириш ва сотиш билан шуғулланаман, — дейди хивалик тадбиркор «Қобил» хусусий фирмаси раҳбари Собиржон Оллаберганов. — «Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич» дейди халқимиз. Ҳалол молнинг оши ширин бўлишини қонунга итоат этган тадбиркорларнинг бари яхши билишади. «Ички бозорни ёғоч-тахта материаллари билан тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қабул қилинган ҳукумат қарори бу борадаги фаолиятни янада кучайтириш гаровига айланди. Ушбу қарор шарофати билан ёғоч-тахта маҳсулотларининг чакана нархи сезиларли даражада мўътадиллашаяпти ва биз ҳам унга ўз улушимизни қўшаяпмиз.

— Айрим тадбиркорлар ўз молини хуфия йўллар билан хорижлик назоратчиларга ҳар қадамда пул қистириш ва «учар транспорт» воситалари учун ниҳоятда катта миқдорда пул сарфлаш эвазига олиб келиш пайида бўлишади, —дейди «Аббосбек» дорихонаси соҳиби, — Биз эса ҳамма юмушларни божхона қоидаларига суянган ҳолда амалга оширамиз. Бу шифо воситалари нархини 20-25 фоиз арзонлатиш имконини бераяпти. Ўзимиз харид қилиб, сотувга чиқарадиган моллар нинг сифати ва яроқлилигига эса лаборатория хулосалари кафолат беради.

Афсуски, тадбиркорман деганнинг бари юқоридаги ишбилармонлар каби фаолият кўрсатаётгани йўқ. Сифати ҳаминқадар ҳисобланган мол ва маҳсулотларни мамлакатимиз дарвозаларидан бири бўлган ушбу вилоятга олиб киришга қаратилган қонунбузарликларни аниқлаш ҳоллари бир йил муқаддам қайд этилган кўрсаткичга нисбатан қарийиб 30 фоизга, аниқланган хуфия моллар миқдори эса деярли 3,5 бараварга ортган. Ўтган бир йилдан ортиқроқ вақт мобайнида жами 1112 та ҳуқуқбузарлик факти аниқланиб, 318 миллион сўмликдан зиёд истеъмол моллари далилий ашё сифатида олиб қўйилган. Мазкур ҳолатлар юзасидан жами 69 та жиноят, 917 та маъмурий «иш» очилган.

Вилоят божхона бошқармаси бошлиғи Ҳ.Азизовнинг маълум қилишича, ҳукумат қарорини бажаришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ички истеъмол бозоримизни ишончли тарзда муҳофаза қилиш гаровига айланган. Тадбирлар пировардида нарх-наво мўътадиллигига йўл очаяпти. Хоразм бозорларида хорижнинг истеъмол моллари нинг 2002 йили қайд этилганидан ўртача 20-40 фоиз кам бўлган нархларда сотиб олишингиз мумкин. Қонуний фаолиятиннг афзалликларини шундан ҳам билаверасиз.

Вазирлар Маҳкамаси қарори моҳияти ва одамларнинг талаб ҳамда таклифларидан келиб чиққан ҳолда вилоят божхона бошқармасида ва воҳанинг барча йирик бозорларида «Маслаҳатхона»лар очилган. Унда аҳоли божхона қоидалари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларига оид барча маълумотлар билан бемалол танишиши мумкин.

Келтирилган факт ва рақамлардан келиб чиқадиган хулоса ҳам, сабоқ ҳам битта: тўғри юрган узоқ юради, бошқача айтганда ҳалол ошини, ёмон бошини ейди. Алалхусус, ҳаётнинг ҳам ўз сабоғи бор. Қонунга итоат этмаганнинг боши ҳамиша ғавғода. Қонуний ва ошкора фаолият эса шу кунгача ҳеч кимнинг бурнини қонатмаган. Бунга тарих, ҳаёт ва аҳли фуқаронинг ўзи гувоҳ.

Абдулла СОБИРОВ,
журналист

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Либерия ҳукумати ва қўзғолончиларнинг икки гуруҳи ўртасида 14 йилдан бери давом этиб келаётган тўқнашувларга барҳам бериш юзасидан Ганада ўзаро тинчлик битими имзоланди.

Мазкур битимга биноан мамлакатда муваққат ҳукумат тузилади ва у давлатни 2 йил давомида бошқаради.

Reuters ахборот агенлиги хабар беришича, АҚШ маъмурияти Либерия ҳукуматини ва қўзғолончилар ҳаракати етакчиларини ушбу битим шартларини ҳурмат қилишга ва унга итоат этишга чақирди. Бу эса Либерияни қайта тиклаш, иқтисодини кўтаришга имкон яратади.

Либериядаги жараёнларни барқарорлаштириш ишларига кўмаклашиш учун жўнатилган 200 нафар ҳарбийдан иборат Америка тинчлик контингенти октябрь бошларида ватанига қайтиши ҳақида АҚШ Президенти Жорж Буш баёнот берди.

ХАЛҚАРО ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Тинч океанининг Узоқ Шарқдаги ҳудудида Россия, АҚШ, Япония ва Жанубий Корея ҳарбий денгиз ҳамда савдо флотига қарашли денгиз қутқаруви хизматининг ҳамкорликдаги халқаро ўқув ҳарбий машғулоти бошланди. Бу ҳақда Россия Транспорт вазирлигининг денгиз қутқарувини мувофиқлаштирувчи давлат марказидан «Интерфакс»га маълум қилишди.

Ҳарбий машғулотда авария-қутқарув кемалари, вертолётлар ва ҳарбий кемалар қатнашмоқда. Улар ҳалокатга учраган кемаларни, денгизчиларни қутқариш, денгизга тўкилаётган нефть маҳсулотларини йиғиштириб олиш ва тўхтатиш каби машғулотларни бажарадилар.

Ҳарбий машғулот шу ойнинг охиригача давом этади.

АГЕНТЛАР КУЗАТУВИДА

The China Daily газетаси тарқатган хабарга кўра, Хитойда террорчилик актлари содир этилишининг олдини олиш мақсадида эндиликда барча тижорат рейсларини полициянинг махсус агентлари кузатиб боради. Газетада ёзилишича, улар аввало махсус тайёргарлик курсларидан ўтиб, сўнг иш бошлайдилар. Улар экипаж кийимида юрадилар.

ҚЎШНИНГ ТИНЧ — СЕН ТИНЧ

Корея Халқ Демократик Республикаси спортчилари Жанубий Кореянинг Тэгу шаҳрида бугун очилиши мўлжалланаётган халқаро талабалар ўйини — «Универсиада — 2003» спорт мусобақаларида қатнашадиган бўлди. Бу эса кейинги кунларда икки мамлакат ўртасида юзага келган можаролар сабаб совий бошлаган ўзаро алоқаларнинг бироз бўлса-да илиётганидан даракдир.

Гап шундаки, 15 август куни Шимолий Корея ва Жанубий Корея ўртасида яна бир можаро юзага келган эди. Ўшанда Кореянинг япон мустамлакачилиги ҳукмронлигидан озод этилганининг 58 йиллиги нишонланаётган бир пайтда Сеул марказида мутаассиб кучлар томонидан КХДРнинг давлат байроғи ёқиб юборилганди. Бу эса Пхеньяннинг расмий доираларини ғазабга келтирди ва 21 августдан 31 августгача давом этадиган «Универсиада — 2003» ўйинларига ўз спортчиларини жўнатмаслигини ҳамда бир неча лойиҳалар юзасидан Жанубий Корея билан бўлиб ўтадиган музокараларни ва иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги битим кучга киритилишини бекор қилиш, шунингдек, Транссибир магистралига олиб чиқадиган ва икки давлат — Шимолий ва Жанубий Кореяни бирлаштирадиган темир йўлни бир-бирига улашдан воз кечилишини маълум қилган эди.

Айниқса, душанба куни Жанубий Кореянинг ҳарбий катери ўзга давлатнинг сув кенгликларига кирган, дея КХДРнинг балиқ овловчи кемасига қарата огоҳлантирувчи ўт очганидан сўнг вазият янада таранглашиб кетди. Кескинлашиб бораётган бу вазиятни Жанубий Корея Президенти Но Му Хен бироз юмшатишга муваффақ бўлди. Яъни у Сеулдаги намойиш пайтида содир этилган антипхеньян ҳаракатлари учун КХДР ҳукуматидан сешанба куни эрталаб кечирим сўради. Шимолий Корея Жанубий Кореянинг халқаро алоқалардаги муносиб шериги эканлигини алоҳида таъкидлади, ўртага раҳна соладиган ҳар қандай ҳаракатга йўл қўйиб бўлмаслигини уқтирди.

Ўз ўрнида баён қилинган узрни расмий Пхеньян ҳурмат билан қабул қилди ва Тэгуга талаба-спортчиларни жўнатишга тайёр эканлигини билдирди. Шундай қилиб, икки қўшни давлатнинг бир-бирига аччиқ қилиб, тескари тўн кийишларининг олди олинишига эришилди. Ҳар не бўлгандаям, қўшнинг тинч — сен тинч, деган гап бор ахир.

Дарвоқе, Жанубий Кореянинг «Ренхап» ахборот агентлиги хабар беришича, 26-29 август кунлари режага кўра Сеулда иқтисодий ҳамкорлик бўйича Корея давлатларининг олтинчи мажлиси бўлиб ўтади.

Азиз РАҲМАТОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси

Тафсилот

ЮТУҚЛАР КАЛИТИ — ТАРҒИБОТ

Озарбайжон Республикасида президентликка номзоди кўрсатилганларнинг сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари шанба куниёқ бошлаб юборилди. Амалдаги Сайлов Кодексига кўра, номзодларнинг тарғибот кампанияси сайлов ўтказиладиган муддатдан 60 кун олдин бошланади ва овоз бериш жараёнидан 24 соат аввал тўхтатилади. Тарғибот-ташвиқот кампаниясида кимлар қатнашиши мумкинлиги ҳам Кодексда алоҳида кўрсатиб ўтилган. Яъни улар президентликка номзодларнинг ўзлари бўлиши, ёки уларнинг ишончли вакиллари, шунингдек, қайси партиядан ёки сайлов блокидан номзоди кўрсатилган бўлса ўша партиянинг ваколатли вакили бу ишларга жалб этилиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз: Озарбайжонда президент сайловлари шу йил 15 октябрда бўлиб ўтади. Демак, тарғибот гуруҳлари 14 октябрь куни эрталабки соат 8 да ўз фаолиятларини тўхтатишлари шарт.

Сайловолди кампаниясида тарғиботнинг қонунда белгиланган турли усулларидан — оммавий тадбирлар, мажлис, учрашув, оммавий муҳокама, суҳбат, нашр ва аудиоёзувлардан фойдаланиш мумкин. Оммавий ахборот воситалари эса эркин муҳокама, «давра столи», матбуот-анжумани, интервью, сиёсий реклама, сиёсий чиқишлар, видеофильм ва бошқа қонуний йўллар билан сайловолди кампаниясида қатнашиши мумкин. Фақат давлат муассислигидаги ва давлат бюджетидаги оммавий ахборот воситалари бундан мустасно.

Президент сайловларида қатнашиш учун 12 номзод Марказий сайлов комиссияси рўйхатидан ўтган. Улар орасида мамлакатнинг амалдаги Президенти Ҳайдар Алиев, Давлат нефть корпорацияси вице-президентлигидан яқинда бош вазирликка сайланган унинг ўғли Илҳом Алиев, «Мусават», «Озарбайжон учун алянс», «Адолат», Озарбайжон миллий мустақиллиги, «Озарбайжон халқ фронти», Фуқаролар бирлиги, «Муасир Мусават» сингари партияларнинг етакчилари ҳамда сайловчилар гуруҳидан 3 номзод бор.

Дарвоқе, мамлакатнинг амалдаги Президенти Ҳайдар Алиев масаласига келсак, у яқин кунларда ватанига қайтади.

Гап шундаки, ҳозир у АҚШнинг Огайо штатидаги Кливленд клиникасида даволанмоқда. Шифокорларнинг фикрича, унинг аҳволи ҳозир яхши. Жарроҳлик операцияси ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, фақат терапия усуллари билан муолажа қилинмоқда.

Эслатиб ўтамиз: 8 июль куни Президент Туркиядаги «Гюлханэ» ҳарбий госпиталига даволаш учун ётқизилган эди. 6 августда эса АҚШнинг Кливленд клиникасига жўнатилди. У юрак ҳасталигидан азият чекмоқда.

Ўтган ҳафта унинг ўғли «тезкорлик билан» бош вазирликка сайланди. Миллий Мажлиснинг сайловда қатнашган 102 нафар депутатидан 101 нафари И.Алиев номзодини қўллаб-қувватлаб овоз берди. Озарбайжон қонунчилигига кўра, мабодо Президент вафот этса, унинг ўрнини бош вазир эгаллайди.

Яқинда Кливленд клиникаси матбуот-хабарнома чиқарди. Унда ёзилишича, Ҳайдар Алиевнинг соғлиғи тикланмоқда.

Маълумки, Ҳайдар Алиев Кливленд клиникасининг «доимий» мижози. 1999 йили шу ерда юраги операция қилинган. 2000 йили ҳам шамоллашга қарши даволанган. 2002 йили эса Нью-Йоркдаги Бутунжаҳон иқтисодий форумда қатнашиб, сўнг шу клиникага келган ва 14 февралда яна жарроҳлик столига ётқизилган. Бу гал ундаги без олиб ташланган. Шу йил 23 февралда эса АҚШга қилган амалий ташрифидан сўнг яна клиникага ётди ва жарроҳлик операциясини яна бошидан ўтказишга тўғри келди.

Яқин кунларда у мамлакатга қайтиб келгач, сайловолди кампаниясида қатнашади.

Алимбек ТОШБЕК

БУРГУТЛАР ЖАЛБ ЭТИЛАДИ

Хитой маъмурияти мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар етказаётган қумсичқон (юмронқозиқнинг бир тури) ва бошқа кемирувчиларга қарши курашда бургутлар хизматидан фойдаланишга қарор қилди.

The China Daily газетасида берилган ахборотда ёзилишича, 4,76 миллион гекардаги ўтлоқлар кейинги вақтда кемирувчилар дастидан йўқ бўлиб бормоқда. Шунинг учун ҳам эндиликда бургутлар «давлат хизмати»га жалб этилмоқда: улар ўтлоқларга қўйиб юборилади. Шу йўл билан кемирувчиларга қирон келтирилади.

17 ЙИЛГА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИЛСИН...

ШЎРО САЛТАНАТИНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИДА ХАЛҚИМИЗ БОШИГА ТУШГАН КУЛФАТЛАР ҲАҚИДА

Жиззахда бир оқсоқол бор. Ёши етмиш олтида. Иш фаолиятини мактабда оддий ўқитувчиликдан бошлаган бу инсон кейинчалик мактаб директори, хўжалик, ундан сўнг туман раҳбари лавозимларида меҳнат қилган. Бугун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими». Нафақада бўлишига қарамай, ҳамон сизу бизнинг сафимизда: Жиззах шаҳар боғи раҳбари.

Унвону иш жойларига разм солсангиз, тўкис ва фаровон ҳаёт кечирганга ўхшайди. Аммо, қалбига қулоқ тутиб, бошидан ўтганлари билан яқинроқ танишсангиз...

— Зарбдор туманида раҳбар бўлиб ишлардим, — дея ҳикоя қилади у. — Бир куни эрталаб кабинетимга Жиззах вилоят партия комитетининг ўша вақтдаги биринчи котиби Ҳабибулла Шоғозатов қўнғироқ қилиб «Бугун областга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик бўлими мудири Зинин келаяпти, сизнинг туманингизга ўтмоқчимиз, катта йўл бўйида кутиб туринг», деди. Мен айтилган пайтда уларни кута бошладим. Чамаси ярим соатлардан сўнг келишди. Биргаликда хўжаликлардаги ишлар билан танишаётгандик, вилоятнинг биринчи раҳбари машинасига қўнғироқ бўлди: «Вилоятга Тельман Хоренович Гдлян келди, сиз билан учрашмоқчи».

Гдлян бир соатгаям қолмасдан биз тушлик қилаётган жойга етиб келди. Ёнида республика прокурори Бўрихўжаев, вилоят прокурори Жумаевлар бор эди. Ҳолаҳвол сўрашдик, биргаликда тушлик қилдик. Сўнг Гдлян Шоғозатовни четроққа тортиб, ярим соатлар чамаси нималарнидир гаплашди. Қайтаётганда эса у елкамга қўлини қўйиб, жилмайганча: «Бу — яхши одам экан, унга тегманглар», деб республика ҳамда вилоят прокурорларига тайинлади. Негадир ўшанда унинг жилмайиши совуқ ва сохтадай туюлганди. Кейин билсам, Шароф Рашидовнинг вафотидан сўнг тузилган «Рашидовчилар» деб аталмиш «қора» рўйхатда жиззахликлардан еттинчи бўлиб менинг номим қайд этилган бўлиб, шу куни Гдлян томонидан каминани қамоққа олишга фатво берилган экан.

Шундай қилиб у 1985 йил 30 март куни қамоққа олинди. Барча ишлаган даври бир-бир элакдан ўтказилди.

«... Ўша куни юрак хасталиги хуруж қилиб, Жиззах шаҳридаги касалхонада ётгандим, — деб давом этади отахон. — Алдаб, ташқарига олиб чиқишди ва қўлларимга кишан солишди-да, машинага тиқишди. Дўстлик район ички ишлар бўлимига олиб келиб, касалхона кийими билан камерага қамаб қўйишди. Айбим нима деб сўрасам, айтишмади. Ўйлаб, ўйимга етолмайман. Тунда касаллик зўрайиб, аҳволим оғирлашгач, туман касалхонасининг реанимация бўлимига ётқизишди. Ўзим зўрға ётибману, яна мени тўртта милиса қўриқлаганига нима дейсиз? Иккитаси кароватим ёнида туриб олишган, қолган иккиси эшик олдида. Шу тариқа тўрт кун ўтди. 4 апрелда мени Ховос турмасига келтиришди».

Аслида Мустафоқул Умурзоқовга нисбатан тазйиқ ва ҳужумлар 1984 йил 4 сентябрдан — «Известия» газетасида мақола эълон қилинган кундан бошланганди. Унда муаллиф «Шароф Рашидовнинг қариндоши Мустафоқул Умурзоқов Ленин номли совхозда директорлик вақтида катта миқдорда ўғирлик қилгандан кейин рағбатлантирилиб Зарбдор район партия комитетининг биринчи котиби қилиб юборилди», деб ёзган эди. Шу мақола сабаб ҳуқуқ-тартибот органлари, унга чап кўз билан қарай бошладилар. Аммо уни қамоққа олиш учун тузукроқ айб топилмади. Охир-оқибат вилоят прокуратурасининг терговчиси Умаров томонидан 1981 йилда фактлар тасдиғини топмагани учун ҳаракатдан ётқизилган жиноят иши дастак қилиб олинди ва қайтадан тергов ишлари бошлаб юборилди. Бу сафар терговни Худойқулов деган прокурор олиб борди. «Топшириқ қаттиқ бўлган шекилли, у терговни бирёқлама, ғайриқонуний усуллар билан олиб боришдан ҳам тап тортмади. Гувоҳларни ўзи хоҳлаганча сўроқ қилиб, менга қарши кўрсатмалар беришга мажбур этишгача борди. Тинтув қилинмаган уйимни тинтув қилинди, деб сохта қарор ҳам ёзилди. Бу қарорга кўра уйим 1984 йил 12 декабрда тинтув қилинган ва топиб олинган ўн минг сўм пул вилоят прокуратурасининг депозит ҳисобига тинтувдан икки кун олдин, яъни 10 декабрда қўйилган эмиш. Ажабо, тинтув қилинмаган уйимдан қандай қилиб шунча пул чиққани ва у нега икки кун олдин депозит ҳисобига қўйилганига ҳали-ҳануз ақлим етмайди».

Ҳаш-паш дегунча Ўзбекистоннинг ўша даврдаги Жиноят Кодексининг бир қанча моддалари билан айбли деб топилиб, М.Умурзоқов иши вилоят судига оширилди. Вилоят суди 1985 йил 17 июнь куни айблов хулосасида ёзилганидай уни ўн йилга озодликдан маҳрум этиш ва мол-мулкини мусодара қилиш тўғрисидаги ҳукм эълон қилди.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деганлари рост экан. Буюртма асосида, зўрма-зўраки тайёрланган ишнинг «умри» узоққа бормади. 1986 йил февраль ойининг йигирма тўртинчи кунида республика Олий судининг жиноий ишлар коллегияси «Жиззах област судининг 17 июль 1985 йилда судланган Умурзоқов М.га нисбатан чиқарган ҳукми бекор қилинсин ва иш қайта судга юборилсин», деган ажрим чиқарди.

«Жиноят иши» Сирдарё ҳамда Тошкент вилоятлари судларида қайта-қайта кўрилди. Сўнгги суд жараёнига ишни тергов қилган Арнасой район прокурори Худойқулов ҳам таклиф этилади. Судда у ўзига берилган «12 декабрь куни Умурзоқовнинг уйида тинтув ўтказилганда топилган ўн минг сўм пул тинтувдан икки кун олдин депозит ҳисобига қўйилганини қандай изоҳлайсиз, камомад бор, пул тарқатилганлиги тўғрисидаги ведомостлар қалбаки, деб хулоса бергансиз, лекин тафтиш ўтказмасдан буларни қандай аниқладингиз ва яна нега 48 та гувоҳнинг биронтасиям дастлабки терговда берган гувоҳликларини тан олмаяпти», деган саволларга «Мен вилоят прокурорининг Умурзоқовни қамоққа оласиз, қандай бўлмасин унга жиноятчи деган тамғани ёпиштирасиз» деган буйруғини бажардим», деб жавоб қилди. «Юқоридан буйруқ бўлса, бегуноҳ, айбсиз одамни ҳам қамоққа олаверасизми?» деган саволга эса «Айбим бор, хатомни тан оламан, аммо ўшанда буйруқни бажармасам бўлмас эди», деб жавоб берди.

Шу тариқа тўрт марта суд бўлди. Ҳар гал қайта терговга берилсин, деб ажрим чиқарилаверди. Республика прокуратураси эса бундай ажримлар устидан протест киритаверди. Охир-оқибат 1987 йил 3 октябрь куни Мустафоқул Умурзоқовни қамоқдан озод қилиш тўғрисида қарор чиқди ва у икки ярим йиллик маҳбуслик азобларидан халос бўлди.

Мустабид тузум ҳукмронлик қилган даврларда бу одатий ҳол эди. Аввало, М.Умурзоқов саломатлигига жиддий путур етди. Ховос қамоқхонаси ва «Тоштурма»да оч, юпун қолган кунлари кўп бўлди. «Айбим йўқ, демак адолат мен томонда» деган ишонч унга куч берди.

Қайта-қайта судланишларнинг охири шундай тугадики, унга ёпиштиришмоқчи бўлган айбларнинг ҳаммаси бекор бўлди. Бутунлай оқланди.

Ҳозирда М. Умурзоқов Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Етти ўғил-қизнинг отаси, йигирма тўққиз невара, ўн бир чеварининг буваси.

Мустафоқул отанинг яқин ўтмишда бошига тушган бу кўргуликлар ҳақидаги ҳикоясини эшитиб бугунги кунларга шукрона қиласан: Қизил империя даврида халқимиз бошига тушган қабоҳат кунларнинг қайтмас бўлиб кетганлиги рост бўлсин, деган ўй кўнгилдан ўтади. Ахир бундан бор-йўғи ўн тўрт-ўн беш йил олдин у каби юзлаб, минглаб инсонлар ҳаётида содир бўлган қатағон онларини унутиб бўларканми? «Қора» рўйхатга тушган қанчадан-қанча юртдошларимиз не-не азоб-уқубатларга гирифтор бўлмади?! Бахтимизга Истиқлол бўлди. Кўксимизга Ҳурриятнинг шамоллари тегди. Эмин-эркин яшаяпмиз. Шаҳарлару қишлоқларимизда кунда бир ўзгариш. Қурилаётган иморатлару уй-жойларни кўриб баҳри дилинг очилади. Аслини олгандаям, ота-боболаримиз шундай кунларни орзу қилмаганмиди? Бугунгидай дориламон дамларга соғ-омон етказгани учун Яратганга шукроналар айтиб, юрт, Ватан истиқболи учун яшаш, дилдан меҳнат қилиш барчамиз учун фарз эмасми, дея ўйлайсан киши.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ҚУВАСОЙЦЕМЕНТ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

Буюк ва суюкли аждодларимиз орзулаган, сиз билан бизга насиб қилган ажойиб байрам — юртимиз Мустақиллигининг ўн икки йиллиги билан Ўзбекистон аҳлини муборакбод этади!

Юртбошимиз ва меҳнатсевар халқимизнинг саъй-ҳаракатлари билан она-Ватанимиз кун сайн чирой очиб, юксалиб бормоқда.

Ўтган ўн икки йил ичида бутун юртимиз қатори бизнинг корхонамизда ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Эндиликда маҳсулотларимиз наинки Ўзбекистонда, балки хорижий ўлкаларда ҳам маълуму машҳур. Биз ўз маҳсулотларимизни Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатларга экспорт қиляпмиз. Ниятимиз — бундан буён ҳам Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини ошириб бориш.

Байрам шодиёнаси мамлакатимиздаги ҳар бир хонадонга тинчлик, қут-барака ва фаровонлик бахшида этсин!

Хизр назари тушган юртимизда тинчлик, барқарорлик абадий бўлсин!

Уни яратганнинг ўзи уни ёмон кўзлардан, қора ниятли кимсалардан асрасин!





Долзарб мавзу

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Шу кунларда бутун мамлакатимизда янги 2003-2004 ўқув йилига қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Хўш, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларини капитал ва жорий таъмирлаш ишлари қандай бормоқда?

Мухбиримиз Қорақалпоғистондаги мактабларда тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида сўзлаб беришни сўраб Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Ғофур ҚАЛМУРОТОВга мурожаат этди.

— Вазирлигимиз томонидан таълим муассасаларини 2003-2004 ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича аниқ режали иш олиб борилмоқда. Жумладан, республика Вазирлар Кенгашининг 2003 йил 14 апрелдаги қарорига мувофиқ мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш мақсадида марказлаштирилган маблағ ҳисобидан 486,3 млн. сўм, маҳаллий бюджет ҳисобидан 55,5 млн. сўм, жами 541,8 млн. сўм миқдоридаги маблағ капитал таъмирлаш ишлари учун ажратилди.

Шунингдек, таълим соҳасига хорижий сармояларни жалб қилиш, педагог-ходимлар малакасини ошириш ҳамда таълим муассасаларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, жорий йилнинг 6 ойи мобайнида таълим муассасаларини таъмирлаш ишларига ҳомийлар томонидан 55,1 млн. сўм миқдорида ёрдам берилди. Маҳаллий ҳокимликлар билан 5 та мактабда масофавий ўқитиш тизимини жорий этиш ҳамда моддий-техник базаси заиф бўлган 17 та мактабни тўлиқ таъмирлашга келишиб олинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2003 йил 1 апрелда қабул қилинган «Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳасини Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши бажарилишини таъминлаш мақсадида, лойиҳага киритилган таълим муассасаларининг ҳар бири учун алоҳида таъмирлаш лойиҳа-сметалари ишлаб чиқилди. Ҳозирги вақтда бу мактаб биноларида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

Бугунги кунда барча умумтаълим мактабларида ҳам ўқув жиҳозлари етарли деб бўлмайди. Шу боис, таълим муассасаларининг моддий-техник базаларини мустаҳкамлаш учун марказлаштирилган маблағ ҳисобидан мактаб ва боғча инвентарлари учун 352,9 млн. сўм ажратилди. Бу маблағга парта ва кўплаб мактаб жиҳозлари, ўқув қуроллари олиш режага киритилган.

Бундан ташқари, мактаблардаги телефон алоқасини яхшилаш, табиий газ тармоқлари, ичимлик суви билан таъминлаш режалаштирилган. Республика бўйича вазирлигимиз тасарруфидаги ўқув муассасаларига ҳомийлар томонидан 10 та, бюджет ҳисобидан 25 та компьютер бериш, кўплаб мактабларда кимё, физика хоналарини қайтадан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кейинги пайтда Халқ таълими вазирлигининг хорижий жамғарма ва ташкилотлар билан яқин муносабатлар ўрнатиши натижасида таълим жараёнларидаги кўплаб муваффақиятлар соҳага жорий этилаяпти. Айниқса, бир қатор жамғармаларнинг бизга кўрсатаётган беғараз ёрдамлари таълим сифатини оширишга туртки бермоқда. Яқинда худди шундай ҳамкорликнинг самараси сифатида «USAID» лойиҳасига киритилган 8 та мактаб 7,0 млн. сўмлик 80 тўплам компьютер жиҳозлари билан таъминланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1996 йил 16 февралдаги 35-б-сонли фармойиши асосида республика бўйича 33 та авария ҳолатидаги мактаб аниқланиб, улар ўрнига янги мактаблар қуриш, айримларини эса капитал таъмирлаш режалаштирилганди. Бугунги кунда ана шундай мактаблардан Тўрткўл туман халқ таълим бўлимига қарашли 10-сонли ва Элликқалъа туманидаги 23 ҳамда 31-мактабларнинг аҳволини яхшилаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Янги ўқув йили бошлангунига қадар ушбу мактабларни ҳашар йўли билан таъмирлаб, ишга тушириш учун айни пайтда маҳаллий ташкилотлар билан биргаликда саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясининг Қорақалпоғистонда мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ошхоналаридаги шарт-шароитларни яхшилаш бўйича киритган хатларига асосан, жорий йилнинг сентябрь ойида бир қатор таълим даргоҳларида мактаб ошхоналари фаолиятини яхшилашга доир кўргазмали семинарлар ташкил этиш режалаштирилган.

Ўқув муассасаларини янги мавсумга ҳозирлаш ҳақида гап кетганда, мактаб ва боғчаларнинг қишда иситилиш масаласига тўхталмасдан илож йўқ. Ҳозирда бу борадаги мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида тегишли корхона ва ташкилотлар билан бир неча келишувларга эришилди. Жумладан, 2003-2004 йил куз-қиш мавсумида таълим муассасаларининг мунтазам фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ ёзиб олди.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2003 ЙИЛ 22,29 АВГУСТ, 5,12 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Аукцион савдоларига:

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,Ом ва Г-38, Ом кўчаларида жойлашган, сатҳи 0,04 га **бошланғич нархи – 640 000 сўм бўлган 39 та ер майдонлари;**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га, **бошланғич нархи – 1 648 000 сўм бўлган 12 та, сатҳи 0,02 га, бошланғич нархи – 824 000 сўм бўлган 1 та ер майдонлари.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани 14Б мавзесида жойлашган, сатҳи 0,04 га, **бошланғич нархи – 640 000 сўм бўлган 1 та ер майдони.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган сатҳи 0,03 гектар бўлган қуйидаги ер майдонлари:

Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 7- ва 8-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида, Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида, Спутник-1 мавзеси, 60-уй, Спутник-2 мавзеси, 51-уй,

ҳар бирининг **бошланғич нархи – 714 000 сўм.**

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га, ҳар бирининг **бошланғич нархи – 1 008 000 сўм бўлган 3 та ер майдонлари.**

5,12,19,26 сентябрь кунлари

«TOSHSHAHARNUR» давлат унитар корхонасига қарашли Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Мирзо Ҳайдар кўчаси, 3-уйда жойлашган, «ELEKTRMONTAJ SOZLASH BOSHQARMASI» мол-мулклари (биносиз) қўйилади.

Бошланғич нархи – 16 380 700 сўм ёки 23 556 АҚШ доллари.

ТАНЛОВ САВДОСИГА:

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган 60-сонли болалар боғчаси.

Бошланғич нархи – 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.

2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.

3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.

4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.

5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.

6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.

7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.

8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.

9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Аукцион савдоларига қўйилган кўчмас мулклар учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Танлов савдоларига ва аукцион савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Аукцион савдолари соат 11.00 да бошланади.

Танлов савдолари соат 12.00 да бошланади.

Савдолар ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16.

Савдоларда қатнашиш учун объект нархидан 10% миқдорида заклад пули тўланади.

ҲАФТАНИНГ ҲАР ДУШАНБА, ЧОРШАНБА ВА ЖУМА КУНЛАРИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Савдоларга қуйидагилар қўйилади:

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимиятининг Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «ТТЗ» даҳаси, 2-мавзе, Белоножко кўчаси, 2-уйда жойлашган 9 қаватли ётоқхона биноси (А ва Б блокдан ташкил топган).

Бошланғич баҳоси – 133 181 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Шайхонтоҳур тумани Самарқанд дарбоза кўчаси, Аричний берк кўчаси, 17-уйда жойлашган 29-сонли болалар боғчаси.

Бошланғич баҳоси – 16 850 500 сўм.

Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 6-мавзе, 9-уйда жойлашган «KOMMUNAL QURILISH» давлат унитар корхонаси (мол-мулклари билан)

Бошланғич баҳоси – 1 308 900 сўм.

Мирзо Улуғбек тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли Мирзо Улуғбек тумани, Доғистон кўчаси, 56-уйда жойлашган «Қурилиш-таъмирлаш корхонаси» (мол-мулклари билан).

Бошланғич баҳоси – 2 159 900 сўм.

Шайхонтоҳур тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 617-уйда жойлашган «Таъмирлаш-қурилиш бўлими» шўъба корхонаси.

Бошланғич баҳоси – 13 482 000 сўм.

Савдоларга 1-Тошкент давлат тиббиёт институтига қарашли, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Хўжаев кўчаси, 42-уйда жойлашган, фойдали майдони 5333,0 кв. метр бўлган, 4 қаватли, собиқ 7-сонли ётоқхона биноси қўйилади.

Бошланғич баҳоси – 125 334 300 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази ҳисобида бўлган ULV3L31BDVA015279 рақамли «Нексия» русумли автомобили кузови.

Бошланғич баҳоси – 990 286 сўм.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Халқлар дўстлиги кўчаси, 1А-уйда жойлашган хўжалик ҳисобидаги «Ўқув-методик маркази» мулки (биносиз) ва айланма активлари.

Бошланғич баҳоси – 671800 сўм ёки 966 АҚШ доллари.

«SOVQURILISH» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 9-уйда жойлашган кичик механизация бошқармаси мол-мулки (биносиз)

Бошланғич баҳоси – 564 000 сўм ёки 1 324 АҚШ доллари.

Собир Раҳимов тумани, «Магазин-мавзук» кўчаси, 293-уйда жойлашган «O'ZMELIOSUVTRANS» уюшмасига қарашли, умумий мадони 1656.0 кв.м бўлган омборхона ва иншоотлар.

Бошланғич баҳоси – 22 416 391 сўм.

Савдолар ўтказиладиган манзил:
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Саломатлик — туман бойлик

УМРИНГИЗГА УМР ҚЎШИЛСИН

Андижон вилоятида юз ёшга етган ва ундан ўтган 400 нафар пиру бадавлат отахону онахонлар истиқомат қилишади

Изланувчан олим Андижон тиббиёт институтининг ички касалликлар кафедраси мудири Сайфиддин Турсунов ўтган йили шогирдлари билан биргаликда янги ишга қўл урди: жамоатчилик асосида Геронтология марказини очди. Марказнинг мақсади — шу кунга қадар соҳада тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш, тавсиялар ишлаб чиқиш, узоқ умр кўриш сирларини тадқиқ этиб, табиий-ирсий омиллар, географик шароит, оилавий муҳит, меҳнат ҳамда ҳаракатга боғлиқ жиҳатларини ўрганишдан иборат. Бундан ташқари, юз ёшлилар саломатлигини муҳофаза этиш, шу йўналишга ихтисослашган шифокорлар тайёрлаш, дунё тажрибасида тўпланган янгиликлардан янада кенгроқ фойдаланишга ҳам эътибор қаратилган.

Марказда дастлаб «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда юз ва ундан ортиқ ёшдаги кексаларнинг саломатлиги ўрганиб чиқилди. Натижада узоқ яшаш сирларининг илмий таҳлиллари яратилди. Ушбу изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда юз ёшдан ошган 400 га яқин кекса борлиги аниқланиб, уларнинг саломатлигини меъёрлаштириш ва организмни чиниқтириш амалиётлари тўғри олиб борилганда инсон умрини бир неча йилга узайтириш мумкинлиги исботланди.

— Ўрганишларимиз давомида бир қанча омилларни аниқлашга муваффақ бўлдик, — дейди Сайфиддин Турсунов, — яъни инсоннинг узоқ умр кўришида авлод-аждодлари, наслнасаби, касб-кори, характери, турмуш тарзи, серфарзандлиги алоҳида аҳамиятга эга экан. Ҳозирча шу нарса маълум бўлдики, улуғ ёшдагиларнинг кўпчилиги қон босими меъёрда бўлиб (120/80-120/90), хулқ-атворлари ўрганилганда, улар анча вазмин, босиқ табиатли кишилар эканлиги аниқланди.

Инсон саломатлигининг омилларидан бири шубҳасиз, экологияга боғлиқлиги барчага маълум. Тоза ҳаво, озодалик, рисоладагидек яшаш тарзи одамзод умрига умр қўшади. Геронтология маркази мутахассислари томонидан тўпланган хулосаларда ушбу ҳолат яна бир бор намоён бўлди. Масалан, Асака туманидаги «Ғалаба» ширкат хўжалигининг Қадим қишлоғида яшовчи Робияхон буви Рўзиқулова 102 ёшга етсада, бирор марта бетоб бўлмаган. Ҳозир ҳам бардам ҳаёт кечиряпти. Шу тумандаги Қайрағоч маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳайитхон Холдорова ҳам соғломликда Робияхон буви билан баҳслаша олади. Ҳар иккала онахоннинг яшаш тарзи ўрганилганда, уларнинг оилаларида ҳамиша ҳамжиҳатлик, аҳилликкка амал қилиниши маълум бўлди. Демак, умрнинг бардавомлигида оилавий тотувликнинг аҳамияти беқиёс.

Геронтология маркази шифокорлари ушбу маълумотларни пухта таҳлил этиб, юртимизда узоқ умр кўриш учун етарли имконият ва шароитлар борлигига амин бўлдилар. Юз ёшлилар биринчи навбатда асабни эҳтиёт қилганлар. Доимо ҳаракатда бўлишга интилганлар. Бу омиллар ҳам уларнинг янада узоқ умр кўришларига таъсир этган.

Дунё олимлари ҳозирги пайтда инсон умрини узайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш хусусида бош қотиряптилар. Профессор Сайфиддин Турсунов бошчилигидаги Геронтология маркази ходимлари ҳам мана шу мақсаддаги хайрли ва савобли ишга ҳисса қўшаяптилар. Агар жамоат ва давлат ташкилотлари марказ ишини янада кенгайтиришга кўмаклашсалар савобли ишнинг кўлами янада ортиши шубҳасиз.

Инсоният минг йиллар давомида узоқ умр кўриш сирсаноати билан қизиқиб келмоқда. Ҳаттоки улуғ табиблар умрни узайтирувчи мўъжизавий дори-дармонлар яратиш устида бош қотиришган. Ушбу жумбоқнинг илмий асосини яратиш йўлида Андижонда бошланган амалий ишлар эса эътиборга сазовордир.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳикматли сўзлар маъноси

Игнанинг чизиғи бор, ипнинг узуғи бор

Аёллар кўрпа-кўрпача қавиганда игнанинг учи билан узун-узун чизиқ чизиб оладилар-да, кейин шу чизиқ йўлидан игна санчиб қавий бошлайдилар. Шунда калавадан онда-сонда ипнинг узуғи ҳам чиқиб туради. Шу ҳолатдан олинган мазкур мақолни мажозан: «Яхши деб ҳисоблаб юрилган одам ҳам баъзан бирор айб қилиб қўйиши, кишига гап эшиттириши, кишини ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин. Шунда ундан хафа бўлмаслик, уни қаттиқ койимаслик, у билан бутунлай алоқани узмаслик керак. Ахир бенуқсон одамнинг ўзи бўлмайди-да», деган маънода қўллайдилар.

Игнанинг ишини найза қилолмас

Мазмуни: «Ҳе, бу киччинанинг қўлидан нима иш ҳам келарди?! — деб, ташқи кўринишидан кўзга илинмайдиган одамни (жумладан, болани) камситиб, менсимай ўтирма, баъзан шундай одамлар зўр ботир, паҳлавонлар ҳам уддалай олмайдиган ишни қила оладилар (масалан, қуроляроғли жангчи душман томонга ўтиб, унинг сир-асрорини билиб келиши анча мушкул, кўп ҳолларда имкони ҳам йўқ, чунки душман уни дарҳол пайқаб қолиши ва қўлга олиши мумкин, бола эса бу ишни силлиққина қилиб кела олади, чунки душман «ҳа, бир бола-да» деб ўйлаб, кўп-да аҳамият бермайди, ундан шубҳа қилмайди)», дейилмоқчи.

Интер спорт

Газзаев истеъфога чиқиши мумкин

Агар Валерий Газзаев мамлакат футбол терма жамоасини шу тартибда бошқарадиган бўлса, у яқин орада истеъфога чиқиши мумкин экан. Россия футбол уюшмаси раҳбари Вячеслав Колосковнинг журналистларга билдирган фикри шундай. «Ўйлайманки, — деб сўзида давом этади В. Колосков, — бош мураббий ўзининг амалий тажрибасига эга бўлиши лозим. Умуман олганда мен ҳам терма жамоа, ҳам ЦСКА футболчиларига бошчилик қилишига қарши эмасман. Масаланинг бошқа томони шундаки, Газзаев муайян хатоларга йўл қўйди. Хусусан, ЦСКА жамоаси ўйинчиларининг «жонсиз» ҳаракатларидан мухлисларни кўнгли тўлмаяпти. Устига-устак мамлакат терма жамоасининг Европа чемпионати саралаш учрашувларида Албания, Грузия футболчиларига имконият бой берилиши ачинарли бўлди». Колосковнинг таъбирича, агар мамлакат терма жамоаси фақат ЦСКА футболчиларидан таркиб топадиган бўлса, Газзаевнинг бош мураббийликдан кечишига тўғри келаркан. Боиси, Россия футболчилари «Европа — 2004» чемпионатининг финал босқичига чиқиш имкониятини бой бериб қўяяпти.



Беқхэм чарчаб қолганмиш

Англия терма жамоасининг сардори Дэвид Бекхэм Мадриднинг «Реал» футболчилари қаторида биринчи марта расмий учрашувда иштирок этди. Маҳаллий «Валенси» жамоаси билан учрашувда Бекхэм ўзини кўрсата олмай, ўртамиёна ҳаракат қилгани эътироф этилди. Бу учрашувда ҳисоб очилмай, жарима тўплари тепиш бўйича «Реал»нинг қўли баланд келган бўлишига қарамай, мухлислар кўнгли тўлмади. Ваҳоланки, Бекхэм учрашувнинг 63-дақиқасида Гутининг ўрнига тушганди. У кўп ўйнамай, «чарчаб қолганини» тан олди. Шунинг учун бўлса керак, маҳаллий газеталар Бекхэм кўрсатган ўйинни «жуда ўртамиёна» ёки «ғирром ўйин» деб баҳолашди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг республика таълим маркази жамоаси вазирнинг биринчи ўринбосари Р.Ш.Аҳлидиновга волидаи муҳтарамаси **ШАРОФАТ ая**нинг оламдан ўтганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 26-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 762
7731 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA